



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 9-iyul, shanba № 55 (8912)

2016-yil — Sog'lom ona va bola yili



Ташхис поликlinikаси замонавий бинода

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг маслаҳат-ташхис поликlinikаси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Ўз йўналиши бўйича етакчи даволаш-профилактика ва илм-фан муассасаларидан бири бўлган мазкур марказда замонавий технологиялар воситасида

ички аъзолар касалликлари эрта босқичда аниқланмоқда.

Электрнейромиография жаҳон тиббиётидаги энг янги самарали усуллардан

бири. Асаб тизимлари касалликларини барвақт аниқлаш имконини берувчи ушбу замонавий усул мазкур маслаҳат-ташхис поликlinikасида ҳам жорий этилди, бу борада қўлланиладиган янги технология – электромиограф аппарати билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 8 июлдаги кенгайтирилган йиғилишида мазкур сайлов натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил

этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этишда талабчанлики кучайтириш мақсабига айланди.

(Давоми 2-бетда.)

Vatanimiz mustaqilligining 25 yilligi oldidan

Мустақиллик халқимизнинг маънавий оламини ўзгартирди, тафаккурини чархлади, фуқароларни келажакда буюк давлат қуриш гояси билан қуроллантирди. Энг муҳими, ўтган йигирма беш йил ичида, мамлакатимизда миллий гоя ва мафкура шаклланди, уларнинг маънавият деб ном олган буюк, енгилмас куч билан уйғунлиги таъминланди.

Бунёдкорлик ишларида маънавий қувват

Бунинг аҳамиятини англаш учун яқин тарихга, мустақиллик даврида қадриятларимиз, одамларнинг кайфияти қай аҳволда бўлганига назар ташлаш лозим. Бинобарин, бугунги куннинг шуқуҳи, шарофатини, мазмун-моҳиятини кечаги кун билан таққослаганда тўлақонли англаш мумкин.

Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярами одамларда ижтимоий кайфиятнинг тушиб кетганлиги, миллий қадрият, аъноларимизга қарши курашнинг кучайганлиги, маънавий ҳаётнинг қадрсизланиши билан ёдда қолган. Таги пуч

партия мафкурасининг яққаҳокимлигидан безган жамият уни тўлиқ инкор этди. Халқни, миллатни бирлаштира оладиган миллий гоя ва мафкуранинг йўқлиги жамиятни ўта таҳликали ҳолатга олиб келди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида келтирилган қуйидаги фикрлар бунга яққол тасдиқлайди: «Бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маънавий танглиқдир.

(Давоми 3-бетда.)

Янги институтда яратилаётган замонавий шарт-шароитлар

юқори даражадаги сифатли тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилади

Дунё тиббиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк бобоқолонимиз Ибн Сино асарларида илқ бор тишлар қамашиси ва оғриқларининг табиати баён этилиб, бундай ҳолларда нималардан фойдаланиш кўрсатилгани юртимизда илм-фан илдиэлари нақадар чуқурлигидан далолатдир. Мустақиллик йилларида эса стоматология соҳасида юқори малакали халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тиббиёт кадрларини тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Президентимизнинг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент Давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига кўра, таълим жараё-

нини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация ва таълим техно-

Qaror va ijro

логияларини жорий этиш, бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлиги улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида янги олий ўқув юрти ташкил этилди. Аини кунда институтнинг ўқув, даволаш, илмий-амалий мажмуа шаклида янги биноси қурилиши олиб борилмоқда.

(Давоми 5-бетда.)

6-Бет

Беш китобни ўқиганнинг баҳоси «беш»

7-10-Бетлар

Ma'rifat
Methodist

11-Бет

“MA'RIFAT”ga maktublar

To'plagan shaxsiy Mafkuralarini kutib oling 33-iyul "Ma'rifat" gazetasidagi to'plaganingizni
E-mail: info@marifat.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу галги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий шароитда бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда мамлакатимиз аҳолиси ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунишларини ҳамда ижтимоий фаоллигини кўрсатиб, ўз маҳалласи учун масъулиятини, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларга дахлдорлигини яққол намойиш этди.

Сайловни юқори ташкилий савияда ташкил этиш ва ўтказиш, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўқис рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарори билан Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди, унга мувофиқ аҳоли ўртасида соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ҳамда тегишли ҳудудда доимий ашайдиган фуқароларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга

бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашувчи бўйича комиссиялар, 9764 та фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши Комиссияси томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий, туман ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлари аъзолари учун соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини тушунтириш бўйича 1600 та семинар ва давра сўхбатлари ўтказилди. Сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинлари, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга услубий ёрдам сифатида Сенат Кенгаши Комиссияси томонидан тегишли брошюралар, сайлов ҳужжатлари намуналари, методик тавсиялар тайёрланди ва тарқатилди. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналлар учун ҳудудий семинар-тренинглари ўтказилди.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини тушунтириш, шунингдек, сайлов жараёнларини самарали таш-

кил этиш масалалари бўйича марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет нашрларида 1880та материаллар чоп этилди, 2014та телекўрсатувлар, радиоларда 2500 дан ортиқ чиқишлар, 10та ижтимоий ролик тайёрланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишга ҳар томонлама кўмак беришди, зарур ҳолларда биноклар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланди.

Амалга оширилган ишлар аҳолининг сиёсий онгини оқсаттиришда ва сайловларни юшқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи таъминлаши асосида ўтказиш, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари этиб энг муносиб фуқароларнинг сайланишида муҳим роль ўйнади.

Умуман, сайлов жараёнларида 9764 нафар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 105 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланди.

Янги сайланган раисларнинг 73,6 фоизи олий маълумотли, 82,4 фоизи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимида ва тадбиркорлик соҳасида бошқарув иш тажрибасига эга, 67 фоизи ушбу лавозимга биринчи марта сайланди. Раисларнинг 865 нафари аёллардир.

Шунингдек, сайланган фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчиларининг 51,1 фоизи олий маълумотга эга бўлса, 25,4 фоизини аёллар ташкил қилади. Уларнинг 53,3 фоизи ушбу вазифага биринчи марта сайланди.

Сайлов натижалари таҳлили аҳолининг сайлов жараёнларида ижтимоий фаоллиги ошганлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, маҳалларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва

миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларидаги ўрни ва аҳамияти долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Масалани муҳокама қилиш юғида йиғилиш катнашчилари янги сайланган фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини ижросига қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маърифий, ахборот-тушунтириш тадбирлари дастурини, шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишлари муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Сенат Кенгаши сайлов натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари органларини шакллантириш, шу жумладан, фуқаролар йиғинлари Кенгашиларини, фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссияларини сайлаш, шунингдек, янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари учун соҳага доир қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини тушунтириш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шу куннинг ўзида Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати

Ташхис поликлиникаси замонавий бинода

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мутахассислар ушбу технологиядан фойдаланиш бўйича тараққий этган хорижий мамлакатларда малака оширди. Мазкур технологиядан нафақат неврология, балки эндокринология, ревматология, карди-

ология, травматология ва ортопедия йўналишларидаги касалликларни эрта босқичларда аниқлашда унумли фойдаланилмоқда.

— Кейинги пайтларда бошим оғриб, ҳолсизлик, иштаҳасизликдан қийналаётган эдим, — дейди тошкентлик Аббос Зойиров. —

Оила шифокоримизга мурожаат қилсам, ушбу марказни тавсия этди. Бу ерда чуқур текширувдан ўтдим. Шифокорларнинг айтишича, қон-томирларимда атеросклероз ривожланган экан. Бу касаллик қанча барвақт аниқланса, шунча самарали даволанар экан.

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида юрак-қон томир касалликларини даволанишнинг янги усуллари ўзлаштирилди. Коронар артериялар ангиопластикаси ва стентлаш амалиёти бунга мисолдир. Шундай операцияларни ўтказиш мақсадида бу ерда интервенцион кардиология бўлими ташкил этилди. Операция хоналари янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ҳозирги кунда давлат гранти бўйича ўнга яқин илмий изланишлар олиб

борилмоқда. Улар юрак-қон томир, ўпка, нафас йўллари, суяк-бўғим, ошқозон-ичак касалликларини барвақт аниқлаш, тиббий реабилитация хизматини янада ривожлантиришга қаратилган.

Марказда реконструкция ва модернизация ишлари давом этмоқда. Физиотерапия ва балнеология бўлимлари замонавий андозалар асосида таъминланмоқда. Бундай ишлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада оширилади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Темур МАМАДАМИНОВ
(ЎЗА) олган суратлар.



2016-yil 9-iyul, № 55 (8912)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни гоёвий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодий тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади. Ахир, яқиндагина эмасмики, коммунист, айниқса, у юқорида лавозимда бўлса, ўз яқин кишилари билан охириги марта видолашиш учун қабристонга ҳам боролмасди. Дафн маросимида иштирок этиш энг катта айб саналиб, бундай одамни партиядан ўчириб, ишдан бўшатишарди. Виждон азобидан сал бўлса-да, қутулиш, айна пайтда йиллар бўйи меҳнат қилиб эришган имти-

шлаб чиқди. Яккахоқимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймастик гоёси мустақил Ўзбекистон Конституциясининг 12-моддасида ўз ифодасини топди. Унда "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас", дея мустақамланган.

Мустақиллик йиллари миллий гоё ва миллий мафкуранинг асослари яратилди. Ислоҳ Каримовнинг "Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик" (1993 йил), "Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ,

этилди. Унда миллий гоё ва миллий мафкуранинг мақсади аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Президентимиз таъбири билан айтганда "Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назор, ҳар бир фуқаронинг янада ватан бахт-саодати учун доимо масъулия сезиб яшашига қорлаш, ажодларимизнинг бераҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — мил-

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, кейинги йилларда дунёнинг мафкуравий манзараси жуда тез ўзгариб бормоқда. Турли минтақаларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, манфаатлар тўқнашуви, тобора кучайиб бораётган халқаро терроризм, диний экстремизм, радикализм, эгоцентризм, эрксизлик никоби остидаги ахлоқсизлик, наркотрафик каби таҳдидлар барчамизни ҳушёрликка қорламоқда.

2006 йил 25 августда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда халқаро майдонда мафкура-

ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари", "Медиа-таълим ва медиамаданият: назария ва амалиёт" монографиялари нашр этилди. "Маънавият тарғиботчисининг ёрдамчи китоби", "Маслаҳатчи минбари", "Соғлом бола — буюк келажақ пойдевори", "Соғлом она ва бола йили фалсафаси" каби рисодалар чоп этиш учун нашрга топширилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан "Маънавият тарғиботчисига ёрдам" рўқни остида "Ватан равнақи", "Юрт тинчлиги", "Халқ фаровонлиги", "Комил инсон", "Ижтимоий ҳамкорлик", "Миллатлараро тотувлик", "Динлараро бағрикенглик" номли рисодалар тайёрланди. Вазирлик, идора, ташкилот ва муассасаларга 40 мингдан ортиқ ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий йўналишдаги адабиётлар, рисодалар етказиб берилди.

Бугунги кунда марказ ҳодимлари томонидан "Мураккаб ва тахликали замоннинг маънавий таҳдидларига қарши мафкурaviй кураш воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш", "Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатнинг тадрижий ривожланиши ва тақомиллаштириш истиқболлари", "Радикализм мафкурасининг ёшлар тарбиясига салбий таъсири ва унинг олдини олиш усуллари", "Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш" каби грантлар бўйича ҳам жиддий илмий-тадқиқот, амалий ишлар бажарилмоқда. Ушбу мавзуларнинг бажарилиши натижасида олинган хулосалар миллий гоё тарғиботи самарадорлигини оширишга имкон беради.

Мамлакатимизнинг асосий мақсади эркин ва тинч-тотов яшаш, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу — халқимизнинг миллий қадриятлари, орзу-интилишлари, бунёдкорлик салоҳиятига ҳамроҳ этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурлар ишлаб чиқиш масалалари белгиланган.

Ўтган йиллар давомида миллий гоё тарғиботи бўйича талай ишлар амалга оширилди. Биргина 2016 йилнинг ўтган даврида "Миллий гоёнинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни

Бунёдкорлик ишларида маънавий қувват

ёзларидан маҳрум бўлмаслик учун одамлар қариндош уруғлари, ҳатто ота-онаси вафот этганда касалхонага ётиб олишар ёки "шошилишча"га кетиб қолишарди. Ана шундан кейин ҳам биз, одамлар ҳеч нимага ишонмай қўйишган, уларда ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ, деб айтишга қандай тилимиз борар эди?"

Ўзбекистоннинг мустақил тузум давридаги маънавий-маърифий ҳаётини юқоридаги фикрлар тўлиқ ифода эта олади. Ана шундай шароитда Ўзбекистон раҳбари Ислоҳ Каримов олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан бамтамом халос бўлиш, гоёвий бўлиш пайдо бўлишига йўл қўймастик, бегона ва ёт гоёларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни воёга етказиш зарурали халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкура шакллантиришни тақозо этишини таъкидлади.

Ҳеч бир халқ ўз олдида қўйган буюк ва улугвор мақсадларини миллий гоё ва миллий мафкурасиз амалга ошира olmayди. Президентимиз мустақиллиқнинг илк кунлариданоқ миллий гоё ва миллий мафкура асосларини

миллатни — миллат қилишга хизмат этсин" (1998 йил), "Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан кўрмоқдамиз" (1999 йил), "Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажақка ишончдир" (2000 йил) каби асарлари бу борада муҳим манба бўлди.

Ушбу асарларда миллий гоё ва мафкуранинг жамият ва инсонлар учун қай даражада зарурлиги, уларнинг ҳар қандай жамиятнинг соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келганлиги ўз ифодасини топган. Айни пайтда, Ўзбекистон жамиятининг мафкураси шу жамиятнинг таянич бўлган оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-гайрат манба бўлиши, миллий гоё ва миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вақиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, халқ ва ватан равнақи учун ҳаётини бағишлайдиган фидойи зиёлилар меҳнат қилиши лозимлигига алоҳида эътибор берилди.

2000 йил "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи нашр

лий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир"

Ушбу рисола мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, олим ва мутахассислар учун қўлланма сифатида таъсия этилди. Рисолада миллий гоё ва мафкура тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсири, глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги шароитда мафкуравий сиёсатнинг ўрни, Ўзбекистоннинг миллий истиқлол гоёси, унинг асосий тамойилларини халқимиз, аввало, ёш авлод қалби ва онгига синдириш каби масалалар баён этилган. 2001 йилдан "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани жорий этилди ва у таълимнинг барча тизимларида алоҳида фан сифатида ўқитила бошланди.

Мазкур фан бўйича юксак малакали мутахассис-ўқитувчиларни тайёрлаш масаласи ҳам долзарб вазифа эди. Барча таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар" фан йўналишида ўқитувчилар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб 17 олий таълим муассасасида мазкур йўналиш бўйича ўқитувчилар тайёрланмоқда.

қўмаклашувчи ҳамкор муассасалар вақиллари иштирок этди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшим-

ча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида олиб борилган ишлар ёш тадбиркорлар сафининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларда ишбилармонлик кўникмасини шакллантириш, уларнинг бизнес гоёларини, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига кен жалб этиш мақсади-

да ташкил этилаётган форумнинг вилоят босқичида 120 нафар ёш бу борадаги истеъод ва имкониятини синовдан ўтказди.

Форумда мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ай-

да ташкил этилаётган форумнинг вилоят босқичида 120 нафар ёш бу борадаги истеъод ва имкониятини синовдан ўтказди.

— Орамизда ўзининг истиқболли режалари билан жамият тараққиётига

Ёш тадбиркор — юртга мададкор

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, бунинг учун зарур шароитлар яратиш, ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бермоқда.

Наманганда ўтказилган "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" II республика ёш тадбиркорлар бизнес форумининг вилоят босқичида бу алоҳида таъкидланди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган форумда ёш тадбиркорлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, банклар ҳамда бизнес юристишга

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ҳисса қўиши истагида бўлган ёшлар кўп, — дейди Чортоқ туманидаги "Заржило" оилавий қорхонаси раҳбари Хуришда Раҳматуллаева. — Ташаббускор ёшларнинг лойиҳалари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, мен ўз лойиҳам билан "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" кўрик-танловининг мамлакат босқичида ғолиб чиқиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритдим. 10 миллион сўм миқдоридида ана шу сармоя ҳисобидан зардўзлик махсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Бу 5 нафар қизни доимий иш билан таъминлаш имконини берди.

Тадбирда 10 нафар ёш тадбиркор форумнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Қаршида "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" II республика ёш тадбиркорлар бизнес-форумининг Қашқадарё вилояти bosқичи бўлиб ўтди.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий харакати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ёш тадбиркорлар, давлат органлари, тижорат банклари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Иштирокчилар солиқ, бошхона ва хусусий корхонани рўйхатдан ўтказиш билан bogлиқ имтиёзлар, молия муассасаларидан кредит олиш тартиби, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан шериклик алоқаларини йўлга қўйиш, ишлаб чиқарилаётган махсулотни экспорт қилиш ва бошқа масалалар юзасидан билимини намойиш этди.

Тақлиф ва лойиҳалари энг яхши деб топилган 10 нафар ёш тадбиркор форумнинг мамлакат bosқичига йўланма олди.

❖ **Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан ўтказилаётган "Ишбилармон талаба — 2016" стипендиyasi кўрик-танловининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди.**

"Мустанқилликка менинг ҳиссам" шиори остида ўтказилаётган танловнинг туман ва шаҳар bosқичларида сараланган 60 га яқин ёшлар тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмасини қай даражада ўзлаштиригани, замонавий ахборот ва компютер технологияларидан фойдаланиш борасидаги билими, етакчилик қobiliياتини намойиш этди.

2004 йилдан буён ўтказилаётган мазкур танлов давомида самарқандлик 33 нафар йигит-қиз "Ишбилармон талаба" стипендиyasiни қўлга киритди. Иштирокчиларнинг 5 мингдан ортиги айни вақтда тадбиркорлик, фермерлик ва касаначилик билан шуғуланмоқда.

Танлов иштирокчилари ўзлари тайёрлаган махсулот ва хунармандлик буюмлари кўргазмасини намойиш этиб, бизнес-режа ва лойиҳалар тақдимотини ўтказди. Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларга оид суҳбат ва савол-жавоблар орқали соҳага доир билимини мустанқиллади. Ўз лойиҳа ва ташаббусларини иқтисодий эҳтиётинг реал секторига жорий этиш бўйича тақлифлар олди.

❖ **Фаргона вилоятида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда.**

Президентимизнинг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустанқиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилаётган тадбирларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, театр ва кино актёрлари, истеъдодли ёшлардан иборат тарғибот гуруҳлари мустанқиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг кадр-қиммати ҳақида сўз юритмоқда.

Мустанқиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сий ҳаётининг барча соҳаларида оламшумул ишлар амалга оширилди. Бунинг самарасида йилдан-йилга юртимиз обод, турмушимиз фаровон бўлиб бормоқда. Энг муҳими, ўзгиримизни англадик, қўлга киритаётган ютуқларимиз жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Фаргона шаҳридаги Театр-концерт саройи хиёбонида бўлиб ўтган "Мустанқиллик шукронаси" маънавий-маърифий тадбирида бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Таниқли санъаткорлар ва ёш ижроичилар иштирокидаги Ватан, тинчлик, дўстлик ва ёшликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янада байрамона кайфият бағишлади. Бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

❖ **Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида мустанқиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Бу — менинг Ватаним" деб номланган кўргазма очилди.**

Президентимизнинг жорий йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустанқиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган кўргазмада қорақалпоғистонлик таниқли мўйикалам усталарининг истиқлол йилларида яратган 90 картинаси намойиш этилмоқда.

Ўза ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Билим ва маҳорат кўриги

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида юртимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларининг чет тили фани ўқитувчилари ўртасида «Энг яхши чет тили ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика bosқичи ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сараланган педагоглар инглиз, немис ва француз тиллари йўналишида ўз билимларини синовдан ўтказди. Жорий йил ilk маротаба ўтказилган ушбу кўрик-танловдан қўзланган мақсад касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда чет тилларни ўқитишни янада тақомиллаштириш, бу йўлда самарали меҳнат қилаётган ўқитувчиларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, чет тиллар таълими бўйича илгор тажрибаларни

оммалаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Танловнинг биринчи шартида иштирокчиларнинг берилган мавзу асосида 300тагача сўздан иборат ёзма ишлари баҳоланди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари муаллимларнинг мавзуни очиб бериш қobiliياتи, фикри теранлиги, услуби, сўزلарни тўғри қўллаи олиши, ёзма ишнинг лексик ва грамматик тузилишига алоҳида эътибор қаратди.

Иккинчи турда ўқитувчилар Давлат таълим стандартлари асосида танланган мавзулар бўйича тақдимот намойиш қилди. Муаллимларнинг ишларини баҳолашда тақдимотнинг дидактик ва методик мақсад-вазифалари, мантиқий яхлитлиги, материалнинг «муам-

мо-ечим» тамойили бўйича кетма-кет жойлаштирилгани, келтирилган маълумотларининг янгилиги, мавзуну ёритиш жараёнида илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси каби мезонларга эътибор қаратилди.

Якуний натижаларга кўра, инглиз тили йўналишида 1-ўрин Термиз давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси Муборак Каттабоевага насиб этди. Тошкент халқаро Вестминстер университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси Шавкат Холмуродов немис тили, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини қошидаги Нуридун академик лицейи ўқитувчиси Дилфуза Отамуродова француз тили бўйича юқори биринчи ўринга сазовор бўлди. Танлов голиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири**

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш устувор вазифа

Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлигининг "Офицер ва сержант кадрларни тайёрлашнинг устувор йўналишлари" мавзусидаги навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда соҳа мутахассислари, вазириликка қарашли олий ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолияти ва уларнинг ҳарбий кадрларни тайёрлашдаги ўрни, муҳим вазифалари хусусида сўз юритилди.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими — Ўзбекистон Қуроли Кучлари сафарига етуқ мутахассисларни жалб этишнинг асосий воситаси саналади. Мазкур тизим бугунги кунда ҳарбий хизматчиларга таълим бериш, профессионаллик жиҳатидан қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, педагогик ва илмий кадрлар тайёрлаш масалаларида муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, ҳарбий таълим тизимининг самардорлигини ошириш —

мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда Қуроли Кучлар академиясида еттита, Мудофаа вазирлигининг олтига олий ҳарбий таълим муассасаларида 28 йўналиш ва мутахассислик бўйича юқори малакали офицер кадрлар, сержантлар тайёрлаш мактабларида 26 йўналиш ва мутахассислик бўйича сержантлар тайёрланмоқда.

Мустанқиллик йилларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими яратилгани миллий армиямиз сафарларини бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етуқ, стратегик фикрлай оладиган мутахассислар билан тўлдириш имкониятини яратаётгани алоҳида таъкидлаб ўтинди.

Д. ТОШКЕНБЕОВА

Энг яхши ишчи касб эгалари аниқланди

Самарқанд вилоятида касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида касблар бўйича «Энг яхши ишчи касб эгаси» кўрик-танловининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг туман (шаҳар) bosқичида голибликни қўлга киритган 35 нафар касб-хунар коллежи битирувчилари қишлоқ ҳўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат қўрсатиш механигини, пайвандлаш ишлари (механик) техникни, курилиш-пардозлаш ишлари устаси, умумқурилиш ишлари устаси, тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-

технологни, сартарошлик ва декоратив косметика устаси ҳамда оспазлик номинациялари бўйича беллашишди.

Иқтидорли ва ижодкор ёшларни излаб топиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танлов голиблари 14-15 июль кунлари ўтказиладиган республика bosқичида иштирок этади.

— Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техникларимдан олган сабоқларим бугунги танловда асқотди, — дейди Самарқанд маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Амира Салимова. — Танловнинг вилоят bosқичида иштирок этиб, биринчи ўринга сазовор бўлдим. Бу натижа мени келгусида янада шижоат билан олга интилишга ундайди.

**Ҳақим ЖЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири**

Санъатимиз софлиги йўлида

Муסיқа санъатини ривожлантириш, санъаткорлар ўртасида ижодий рақобатни кучайтириш, миллий эстрада санъатимиз софлигини сақлаш борасида мамлакатимизда қатор лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамда Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида ўтказилган "Концерт-томоша тадбирлари сифатини янада ошириш, фонограммасиз концерт тадбирларини ташкиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар" мавзусидаги матбуот анжуманида миллий эстрада санъатида кузатилаётган айрим муаммо ва камчиликлар хусусида фикр юритилди, бирлашманинг олти ойлик ҳисоботи тинланди.

Хонадаларнинг концерт ўтказиш тартиби, қўшиқларни жонли куйлаш масаласи, фонограммасиз ижронни тарғиб этиш, оммавий ахборот во-

ситаларининг мазкур мавзуларни нечоғлик ёритаятгани хусусида мутахассислар, санъатшунослар фикрлари тинланди.

— Бу масалага қайта-қайта муурожаат этиламан. Чунки бу маънавиятимиизга, айниқса ёшлар тарбиясига бевосита дахлдор. Аввалги йўналишда ҳам муаммонинг ечимини аниқ, батафсил келтирилган, масъул ташкилотларга тақдим этилганди, — дейди журналист Гулҳеҳра Умарова. — Вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, савиясини қўшиқлар, клиппар, қўшиқни бузиб куйлайдиган хонадалар "ижод" махсули телевидение, радио каналлари орқали оммага намойиш этилишининг олдини олиш учун ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Тадбир ташкилотчилари ОАВ ходимлари, иштирокчилар саволларига батафсил жавоб бердилар.

Мафтуна ПИРНАЗАРОВА

2016-yil 9-iyul, № 55 (8912)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Био лойиҳасини ишлаб чиқишда Жанубий Корея, Германия, Бельгия, Буюк Британия ва АКШнинг етакчи тиббиёт олий таълим муассасалари ва илмий марказлари фаолияти, уларнинг бинолари тузилиши ўрганилди. Хусусан, стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги соҳасидаги марказлар ва олий таълим муассасаларида таълим жараёни қандай олиб борилаётгани, шарт-шароитлар, илмий тадқиқотларда, даволаш жараёнидаги талабаларнинг иштироки чуқур ўрганиб чиқилди. Лойиҳалашда барча афзал жиҳатлар инобатга олинди. Янги бинода стоматология таълимни халқаро андозаларга мос равишда ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор берилган.

Институтнинг асосий биноси — ўқув блоки 1000 ўринга мўлжалланган. Бино ҳудудидида 1–5-курсга мутахассислик фанлари ўқитиладди, кафедралар қошида поликлиника ва стационарлар фаолияти йўлга қўйилди. Бинода 2та 100 ўринли маъруза зали, 1та 300 ўринли анжуманлар зали, 60та ўқув аудиториялари мавжуд. Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, 120 ўринли фантом зали, 15 ўринли симуляция ўқув маркази ташкил этилди. 100 ўринли имтиҳон маркази, 36 ўринли талабалар учун тиш техниклари маркази (ўқув лабораторияларининг бир шакли), 30 ўринга мўлжалланган талабалар стоматологик поликлиникаси ва профессор-ўқитувчилар учун хоналар, методик хоналар, техник воситаларни ўрганиш хонаси, ахборот-ресурс маркази юқори малакали мутахассислар тайёрлаш гарови бўлиб хизмат қилади.

Бинони лойиҳалашда нафақат унинг тузилиши, балки жиҳозланиши, тиббиёт ускуналари, зарур ўқув-амалиёт материаллари билан таъминланишига ҳам эътибор қаратилди. Хориж тажрибасини ўрганишда таълим муассасаларида бутун бошли фантом заллари борлигини кўрдик. Институтимизда олдиндан фантом хоналари мавжуд эди. Янги мажмуада бундай заллар жаҳон талабалари доирасида ташкил этилади. Мавжуд пластинна, резинадан қилинган муляжларда талабалар бирламчи кўникмаларни ўзлаштирилади. Олдин оддий фантомларда ишланган бўлса, эндиликда 3Д симуляторлар таълим жараёнига олиб кирилади. Симуляцияда бирор-бир клиник ҳолат шакллантирилади, унга кўра жарроҳлик стоматологиясида тиш нервини олиш, юз-жағ жарроҳлигида тиш каби ўқув тажрибалари ўтказилади. Оддий фантомда талаба чарлашни ўрганган вақтда, профессор-ўқитувчи унинг ишини визуал баҳолайди. Вазифа тўғри ёки нотўғри бажарилганини аниқ-

лашда бироз субъективлик кузатилади. Фантом жонли нарса эмас, у оғриқ сезмайди, эртага овқат чайнамайди. Фантомда ишлаётганда қайсидир босқичда хатолик бўлса, устига пломба ёпилгандан кейин у англашилмай қолади. Унда баъзи кичик камчиликлар кўринмаслиги мумкин. 3D симуляторда эса махсус дастур жойлаштирилган бўлиб, у ўзида тирик инсоннинг клиник ҳолатлари моделини мужассамлаштирган. Талаба 3D симуляторда бирор амал бажарса, дейлик тиш чархласа, нерв толасини ёки тишни олса, 3D симулятор вазифанг тўғри ёки нотўғри бажараётгани ҳақида хабар беради. Тиш олиш кўникмасини ўзлаштиришда талабаларнинг атрофдаги тўқималар-

балар учун алоҳида зал ажратилиб, таҳсил олувчи бемор билан бевосита муносабатга киришилади. Бу амалиёт мазкур поликлиника ташкил этилишига туртки бўлди. Тиббиётда бу деонтология дейилади. Талабалар стоматологик поликлиникасида талаба шифокор-бемор муносабатлари жараёнида ўзини тутиши ўрганиди, мустақил равишда мулоқотга киришилади, ташхис қўяди, энгилроқ амалларни бажаради. Тўртта стоматологик ўринга бир профессор-ўқитувчи бириктирилади. Шунда талаба ўзини мустақил шифокордай ҳис қилади, эркинроқ ҳаракат қилади, ҳаяжонланмайди, ўзи қарор қабул қилади. Педагог зарур ўринларда имо-ишора билан унга кўрсатма бериб, назорат

тория, биокимё лабораторияси, тўқималарни культивация қилиш ва криоген сақлаш, фармо-токсикологик лаборатория, нейрофизиология лабораторияси, юз-жағ соҳаси патологик жараёнларини моделлаштириш лабораторияси ташкил этилади.

Ўқув, илмий ишлардаги каби даволаш блогига ҳам бир неча янгиликлар киритилди. Институт клиникалари ва филиалларида аҳолига стоматология соҳасида юқори малакали даволаш-профилактика ёрдамида кўрсатган ҳолда стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илғор усуллари татбиқ этилмоқда. Лекин, бугунги кунда хона, штатлар бўйича имконият-

ҳолларда богча, мактаб, маҳалладаги муҳит яхши бўлмаса, бу болалар жамиятдан ажралиб қолади, уйдан чиқмайди. Аслида эсхуши жойида, қўлидан иш келадиган ёшларнинг ўз-ўзига бўлган ишончини ошириш, ноқулайлик ҳиссини йўқотиш учун психологик ёрдам кўрсатилади. Ҳозир бу бўлим институтнинг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлими қошида кичкина контингент учун фаолият кўрсатаяпти. Янги бинода қабулхонада навбатчи шифокорлар қатори психолог ҳам бўлади. Яъни, исталган болага хизмат кўрсатилади, касаллик ҳамкорлиқда бар-тароф этилади.

Амбулатор ёрдам, яъни кундузги поликлиника қисмини лойиҳалаштириш ва қуриш жараёнида зал тизими жорий қилинмоқда. Эндикда беморлар хонама-хона ўтқазиб қўйилмайди. Полилинга кирганингизда катта 40 ўринли залда ошкоралик, тинчлик ҳукм суради. Иш ўринлари тўсиқлар билан ажратилади. Тизим эшиклар, деворлар билан тўсилмаслиги сабаб иқтисодий самаратдор. Асосий вазифамиз талабаларга билим бериш экан, бу тизим ўқув ва даволаш жараёнининг тўлиқ интеграциясини таъминлаб беради. Шунингдек, барча даволаш муолажалари ўтказиладиган зал ва хоналарга аспирацион тизим жорий этилади. Баъзида стоматологга борди, касаллик юқтирдим, деган гаплар қулқоқ чалинади. Бу эҳтимолдан холи эмас. Шифохона ичи инфекцияси тушунчаси мавжуд. Беморлар аксириш, йўталиш орқали ёки кийими билан инфекция олиб келиши мумкин. Аспирацион тизим стоматологик муолажадан чиқадиган барча чиқтирларни ўзида тозалаб зарарсизлантиради. Мунтазам ҳавони тортиб олиб, дезинфекция қилади. Ҳар бир бемор қабулидан кейин автоматик равишда стоматологик пойнак(нақонечник)ларга ишлов берилади.

Кўриниб турганидек, мамлакатимиз олий тиббиёт тизимиде стоматология соҳаси бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда зamonaviy таълим технологиялари асосида ахборот ва мультимедиа ускуналаридан фойдаланган ҳолда илғор хорижий тажриба жорий этилмоқда. Бу каби шарт-шароитларнинг барчаси зamonaviy талабаларга мос келадиган ва хозирги замон стоматологиясининг илғор технологияларини эгаллаган тиббиёт кадрлари ва илмий мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади. Ўқув, илмий ва амалий(даволаш) жараён интеграциясини таъминловчи янги бино 2018 йилда тўлиқлигича фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Айни кунда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган.

Бехзод ЁРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат
стоматология институти
магистратура бўлими
бошлиғи, тиббиёт
фанлари номзоди

Янги институтда яратилаётган зamonaviy шарт-шароитлар

юқори даражадаги сифатли тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилади

га шикаст етказган-етказмагани фантомда кўринмайди, 3D симулятор эса мана бу ўринда қон томирни зарарлантириб қўйди, деб бирор амал хато бажарилса, уни очик-ойдин кўрсатиб беради. Натيجида талабалар касбий малакани тўлиқ эгаллайди, билимни баҳолашнинг объективлиги ҳам ошади.

Мисол учун оддий ранг танлашни олайлик. Талаба тиш ёки пломба учун тўё чиройли оқ рангини танлайди, бироқ оқ рангнинг ҳам турли туслари бор. Танланган ранг қўшни тишлар билан мосми? Буни симулятор дарров аниқлаб беради. Агар тишга қўйилган пломба табиий сатҳдан 1-2 миллиметр юқори бўлиб қолса, бошқа турдаги касалликни келтириб чиқаради. Буни ҳам кўз билан илғаш қийин. 3D симулятор юз фоиз аниқликда тўғри кўникма олишга, адашмасликка ўргатади. Яна бир ижобий томони симуляторда бажарилган амал компьютер хотирасида сақланиб қолади, баҳолашда тушунмовчиликлар кузатилмайдди. Инсон ҳаёти, саломатлиги йўлида хизмат қилувчи шифокорларнинг адашишга ҳаққи йўқ. Бу каби зamonaviy қурилмалар эса айнан шу мақсадга йўналтирилган билан аҳамиятлидир.

Талабалар стоматологик поликлиникаси тўғрисида ҳам алоҳида сўз юритиш лозим. Унда битирувчи курс ва магистратура босқичи талабалари амалий кўникмаларини профессор-ўқитувчилар назорати остида мустақил равишда амалга оширишди. Олдин ҳам устоз ёнига шогирдини олиб, ўз столида беморларни даволашга рухсат беради. Жаҳон тажрибасида эса тала-

қилиб туради. Натيجида талабада клиник тафаккур ривожланади.

Институтда 24 соат фаолият юритувчи виртуал кутубхона ташкил қилинмоқда. АРМ биринчи қаватда шундай жойлаштирилганки, у бинонинг ичкарасида, бироқ умумий ўқиш, даволаш мажмуаларидан ташқарида. Мустақил тайёргарлик қўришга мўлжалланган, интернетга уланган 100та компьютер ўринлари мавжуд бўлади, қолган ўринларда талабалар ўзлари билан олиб келган ноутбук ёки планшетларда Wi-Fi технологияси орқали электрон адабиётлардан фойдаланиши мумкин. Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўшидаги тиббиёт кутубхонаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан локал тармоқ орқали уларнинг базасидан фойдаланиш бўйича шартнома тузилган. Жаҳоннинг энг сўнгги ва илғор ўқув адабиётларининг электрон варианты серверларда сақланади. Бу эса ўқув ва илмий жараёнда чет эл кутубхоналари базасидан ҳам фойдаланиш имконини беради.

Институт фаолиятининг асосий йўналишларидан бири стоматология, юз-жағ жарроҳлиги соҳаси ва бошқа йўналишларда, жумладан, биотехнологиялар, хужайра ва регенератив тиббиёт соҳаларидаги илғор утуқлардан фойдаланган ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширишдир. Янги бинода илмий изланишлар учун ҳам алоҳида блок ажратилган. Блокда иммунология лабораторияси, электрон микроскопия лабораторияси, стоматологик материалларни тадқиқ қилиш лабораторияси, патогистологик лабора-

лар чегараланган. Янги бинода эса хизматлар қўлами кенгайди, сифати ошади.

Асосий янгиликлардан яна бири бинода Болаларга психологик ёрдам хонаси ташкил этилишидир. Кўпчилик болаларда шифокорлардан, айниқса стоматологлардан кўрқаш аломати кузатилади. Айтилик, тиббий муолажанинг ўзи нари борса 15 дақиқа вақт олиши мумкин. Болани креслога ўтқазиб, уни тинчлантириш 1 соатгача чўзилиб кетади. Шунинг учун психологик ёрдам хонасида болажонларимизни тинчлантириб, шифокорга бўлган ишончини уйғотамиз. Болалар стоматологик муолажалардан кўрқмаслиги учун психологлар ва педиатрлар иш олиб боришади. Ҳамма вақт эмас, фақат зарур деб топилганда, бу хизматдан фойдаланилади. Аксарият бемор болалар тезкор ёрдамга муҳтож бўлиши, оғриқ билан келишини инобатга олган ҳолда психологик ёрдам кунининг 24 соати давомида кўрсатилади.

Психологларнинг галдаги вазифаси юз-жағ соҳасида нуқсон бор болалар билан ишлаш. Яқин қариндошларнинг турмуш қуриши, қизларни ҳали она бўлишга тайёр бўлмасдан ёш турмушга бериш оқибатида баъзи чақалоқлар юз-жағ соҳасида нуқсон билан дунёга келади. Танглай ёки лаб кемтигининг оғир даражаси 17-18 ёшгача даволанади, босқичма-босқич бартараф этилади. Демак, бола кичкиналикдан эсини танигунча шифокорма-шифокор юради, босқичма-босқич операция қилиниб, нисбий меъёр холатга келгунча анча вақт ўтади. Бу муддатда бемор болалар ўзини камситилгандай ҳис қилишади. Баъзи

Янги ўқув йилига пухта тайёргарлик

ўқитиш самарадорлигига ижобий таъсир этади

Шу кунларда Мингбулоқ туманидаги мактабга ва умумий ўрта таълим муассасаларида янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қошидаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириш штаби аъзоларининг қўли қўлига тегмайди. Ҳар кун эрта тонгдан қош қорайгунча таълим муассасаларидан янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тараддуд ишларидан дарак берувчи хабарлар тинмайди. Штабда ҳисоботлар синчиклаб ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда.

— Куз-қиш мавсуми ва янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини бу йил барвақт бошладик. Айки пайт-

да худудимиздаги мавжуд 42та умумтаълим мактаби ва 37та мактабга таълим муассасасида ҳозирлик ишлари сифатли ва жадал суръатда давом этмоқда, — дейди туман ХТМФМТЭБ мудир ўринбосари Баҳодир Абдураҳмонов. — Тараддуд аввалида бажариладиган иш ҳажми, керакли материаллар миқдори аниқлашиб, уларни етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган эди. Шунга мувофиқ туман молики бўлими таъмирлаш ишларига ажратилган қарийб 283 миллион сўм маблағни таълим муассасалари ҳисобига ўз вақтида ўтказиб берди. Мазкур ишлар ҳисобига ҳозир мактабларимиз мавсумга деярли шай ҳолатда.

Тумандаги 43-умумий ўрта таълим мактаби педагогик жамоаси ҳар галги-

дек бу йил ҳам янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тараддудини биринчилардан бўлиб якунлади. Бугун зиё маскани кўркем қиёфа касб этган.

— Янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари доирасида беш миллион саккиз юз

Hozirlik — huzurlik

минг сўмлик таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди, — дейди мактаб директори Мавлуда Маҳмадова. — Энг қувонарлиси, 21та компьютер жамланмасидан иборат махсус синф жиҳозланди. 5,5 миллион сўмлик ўқув мебеллари харид қилдик. Бу ишлар билан бир қаторда куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўраямиз. Ёқилги тежамкор, юқори иссиқлик берувчи универсал қозонхона ишга туширдик. Ҳадемай биз буюртма берган 35 тон-

на кўмир ҳам мактабимиз оմборига жойланади.

Мактаб ҳовлиси тоза-озода. Манзарали дарахтлар ва ранго-ранг гулларга бурчанган хиёбон киши диққатини дарров ўзига жалб этади. Мустақиллик ва илмининг фазилатларини тараддуд этувчи шир ва паннолар дид билан ўрнатилган. Ўқув хоналари ва йўлақлар ёрқин рангларга бўялган.

Худуддаги 42-умумий ўрта таълим мактабида ҳам худди шундай тараддуднинг гувоҳи бўлдик. Таълим маскани директори Муҳаммадҷон Ҳусановнинг айтишича, мактаб мулкани сақлашга жиддий эътибор қаратилгани ва бу муносабат ўқувчиларда ҳам шакллантирилгани боис муассасани таъмирлаш ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари кўп маблағ талаб қилмаган. Синфхоналар ва

қўшимча бинолар яхши ҳолатда сақлангани туфайли ортиқча бўёқ ва бошқа қурилиш маҳсулотлари талаб этилмади. Фақат деворлар яна бир сидра оқланиб, таъмирланди.

Муассаса ўқув биносини айланамиз. Кенг ва ёруғ синфхоналардаги ўқув жиҳозлари яхши ҳолатда. Электр чироқлар ва ускуналар талаб даражасида ишлатишга яроқли. Янги бўялган эшик-ромлар, давлат таълим стандарти талаблари асосида жиҳозланган фан хоналари янги ўқув йилига бекаму-кўст тайёргарлик кўрилганидан далолат бериб турибди.

Тумандаги 19- ва 41-умумтаълим мактабларида ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари барвақт якунланган. Янги ўқув йилига ҳозирлик ишларининг бу тарихда пухта амалга оширилгани келгусида таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ғанишер АКБАРОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Исон ўзи, фарзандлари учун қимматли ва фойдали бўлган нарсаларни ҳеч кимнинг ишондисиз ҳам асраб-авайлайди. Бошга қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида ота-оналарга тарқатилган беш номдаги 55 та тўплам фойдаланиб бўлинган, авайлабгина, чиройли жилдлар қопланган ҳолда қайтарилгани Хатирчи туманидаги 81-мактаб маъмуриятини хурсанд қилди. Беш китоб асосида ота-онаси, бобо-бувилари кўмағида математик ҳисоб-китоб, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, шеър ёдлаш, эртақ тингилани ўрганган болалар мактабга тез мослашиб, ўқиш-ёзишни осон ўргангани бундан-да қувонарлидир. Яқин атрофида

— Худудларда ташкил этилаётган семинар машгулотларига ота-оналарни ҳам жалб этган ҳолда 5–7 ёшли фарзандларимизга мўлжалланган «Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш», «Математик тасавурларни шакллантириш», «Соғ танда — соғлом ақл», «Шеърли асарлар тўплами», «Насрий асарлар тўплами» қўлланмалари болаларни мактабга тайёрлаш, руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шахс сифатида шакллантиришда муҳим аҳамият касб этишини ҳар томонлама тушунтириб бераймиз, — дейди Навоий вилояти ХТХҚТМОИ «Мактабга, бошланғич ва махсус таълим» кафедраси ўқитувчиси Дилнавоз Раҳмонова. — Бунинг са-

Dolzarb mavzu

табга тайёрлов гуруҳлари очилди. Боланинг диққатини жамловчи, рангли безакларга бой маънанинг чоп этилиши гуруҳлар ишининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ота-оналар китоблардаги содда машқлар, мантиқий ўйинлар, воқеабанд расмлардан фойдаланиб, болаларнинг зериктирмасдан, чарчатмасдан билимлар оламига ботлаш қирмоқда. Кўп йиллардан буён бошланғич синф ўқувчиларига дарс бераман. Авваллари 1-синфга қабул қилинган кичкинтойларга рақамлар, ҳарфларни танитгунча анча вақт ўтар-

Маслаҳатчилар танлови

Самарқанд санъат коллежи концерт залида «Гузл ва бетакоримсон, мўқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шiori остида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» аънавий республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви томонидан ташкил этилган тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 16 нафар маслаҳатчи иштирок этди.



Кўрик-танлов низомига кўра, иштирокчилар танитириш, савол-жавоб ҳамда мустақил мавзудаги уч шарт бўйича ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказди. Унда ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳар бир маслаҳатчининг маҳалаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида маънавий тарғибот тадбирларини олиб боришда қўлга киритган ютуқлари, хато ва камчиликлар таҳлил қилиниб, баҳолаб борилди.

Яқиний натижаларга кўра, энг юқори балл тўплаган Жомибой туманидаги «Тут» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шоира Аморова биринчи ўринни қўлга киритди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Каттақўрғон туманидаги «Мойбулоқ» маҳалласи маслаҳатчиси Дилфуза Жомуродова иккинчи, Ургут туманидаги «Ғўзни» маҳалласи маслаҳатчиси Гулнора Саидмуродова эса учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Танловда намунали иш олиб бораётган маслаҳатчилар ҳам бир қатор номинациялар бўйича тақдирланди. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари берилди.

Ҳақим ЖўРАЕВ

Самарқанд вилояти

Беш китобни ўқиганнинг баҳоси «беш»

мактабга таълим муассасаси бўлмаган қишлоқ хонадонларига бу китобларнинг кириб бориши айки муддао бўлди. Биринчи синфга қандам қўяётган болаларнинг нутқи раво, фикри тегин, ўз қишлоғи, маҳалласи ҳақидаги тасавурлари доирасида ҳикоялар тузиб, сўзлаб бера олади.

Маълумки, 2014 йил — «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Болажон» таянч дастури асосида Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабга таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларнинг саводхонлигини ошириш, уларга дастлабки билим ва кўникмаларни ўргатиш, мактабга таълим муассасаларига қатнайдиған тенгдошларидан қолишмайдиған даражада мактабга тайёрлаш мақсадида беш номдаги рангли, безакли қўлланмалар нашр этилган эди. Мазкур китоблар асосида мактабга тайёрланган болалар айки пайтда 1-синфни тамомлади. Ўқувчиларнинг оиладаёқ муайян кўникмаларни эгаллагани, мазкурларни ўзлаштириши яхшилангани ушбу манбалар болажонлар ва уларнинг ота-оналари учун нечоғлик самарали бўлганини кўрсатди.

мараси ўларок, 2015-2016 ўқув йилида бошланғич тайёргарлик билан 1-синфга қадам қўйган болалар мактабга таълим муассасаларида ўргатиладиган бир қанда кўникмаларга эга бўлгани кузатилди. Натижада бу педагогларга ҳам муайян энгилли тугдирди.

Дарҳақиқат, беш китобнинг МТМга қамраб олинмаган болалар учун нечоғлик зарурий манба эканлигини Кармана туманидаги 4-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчилари методика бирлашмаси раҳбари Гулбаҳор Раҳмонова ҳам тасдиқлайди. Унинг айтишича, якунланган ўқув йили натижалари таҳлил этилганда октябрь ойига келибоқ ўқувчиларнинг асосий қисми бугунги-лар, раво ўқиш кўникмасини эгаллаган. Болаларнинг давлат рамзлари ҳақидаги тушунчаларни эркин баён этиши, оғзаки нутқи, фикрлаш қобилиятининг ўсишида ҳам мазкур қўлланмаларнинг ҳиссаси катта бўлган.


— Мактабимиз кутубхонасида бу китоблардан 200 тўплам бор, — дейди Навоий шаҳридаги 11-ИДУМ ўқитувчиси Ҳилла Раҳматуллоева. — Муассасамизда ҳар йили январь ойдан бошлаб мак-

ди. Беш китоб ёрдамида бола бу кўникмаларни эгаллаган ҳолда «Алифбе»ни қўлига олапти. Олдларни ота-оналар болаларига билганча, қўлига тушган манбалардан фойдаланиб илк сабоқларни беришарди. Мазкур қўлланмалар уларнинг тизимли равишда иш олиб боришига тайёрг дастуриламал. Ўзимнинг кичик фарзандим Шохруҳбек ҳам бу йил 1-синфга боради. У билан ишлар эканман, «Қайси катта?», «Қайси кичик?», «Қайси кам?», «Қайси ортиқча?» сингари мантиқий саволларга дадил, мустақил жавоб бериши, ўз фикри-қарашларини жамлаб оиламиз, боғимиз, маҳалламиз ҳақида оғзаки ҳикоялар айтиб бераётганидан, одоб-ахлоқига ижобий таъсир этувчи шеърлар ёд олаётганидан ҳам она, ҳам муаллима сифатида хурсанд бўламан.

Эзги таътил бошланган айки кунларда ҳам мактаб остонасидаги болалар катталар кўмағида беш китобни севиб мутлола қилмоқда. Бу уларнинг ўқувчилар кўникмалари тезроқ шаклланишида катта роль ўйнайди.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

2016-yil 9-iyul, № 55 (8912)



Ma'rifat 9-ilova

Metodist

Sifatli ta'lim-tarbiya — bosh vazifamiz

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba va yalpi yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

Kimyo

Umumta'lim maktablarida kimyo fanini o'qitishdan ko'zlangan eng asosiy maqsadlardan biri o'quvchilarning fanga qiziqishini va fan-texnika yangiliklarini o'rganishga intilishini o'stirishdan iborat.

Hozirgi kunda darslarni mam-lakatimiz va rivojlangan mamlakatlarda yaratilgan ilg'or tajribalarga tayangan holda, o'qitish jarayonida zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanib tashkil etish tavsiya etiladi.

Yangi o'quv yili oldidan o'tkaziladigan avgust kengashlarining kimyo fani yo'nalishidagi sho'ba yig'ilishlari muhokamasida o'qituvchilarni kimyo fanini o'qitish va uni puxta egallashga yordam beruvchi omillar, jumladan, mashg'ulotlarni o'qitishning zamonaviy texnologiyalari asosida tashkil qilish uchun asqotadigan yangi-yangi ma'lumot va tavsiyalar bilan tanishtirish zarur. Jarayonda ilg'or, ijodkor, tashabbuskor pedagoglar tajribalaridan foydalanish maqsadga muvofiq.

O'quvchilarning fanga qiziqishini oshirish uchun kundalik turmushda uchraydigan, tashqi ko'rinishidan mo'jizakor bo'lib tuyulgan ayrim hodisalarni kimyo fani nuqtayi nazaridan tahlil qilish, turli qiziqarli tajribalar o'tkazish muhim ahamiyatga ega. Jarayonda mahoratli o'qituvchilar tajribasidan foydalanib, laboratoriya o'quv jihozlarini samarali qo'llash, amaliy mashg'ulotlar o'tkazish, masalalarni ishlash usullari xususida ma'lumot berish hamda to'g'arak faoliyatini tashkil etish lozim.

Bugungi kun o'qituvchisi dars muqaddas ekanini mas'uliyat bilan anglab yetishi, o'z faoliyatida "Dars — muqaddas", "Murakkab fanni o'rganaman", "O'rgan-o'rgat", "Sog'lom muhit — sog'lom jamoa", "Yaxshi muallim — sifati ta'lim" kabi innovatsiyalarni qo'llagan holda, yosh avlodga zamonaviy bilim berish, kasb-hunarga o'rgatish, o'quvchilarning iqtidor va qobiliyatini rivojlantirish, ayni paytda ularda milliy va umuminsoniy qadriyatlariga hurmatni shakllantirish asosiy vazifasi ekanini bilishi lozim.

Bir necha yildirki, Xalq ta'limi vazirligi tomonidan "Eng yaxshi kimyo, biologiya, fizika fan kabinetini mudiri" ko'rik-tanlovi o'tkazib kelinmoqda. Mazkur bellashuvni

tashkil etishdan maqsad kimyo kabineti jihozlaridan samarali foydalanish, laboratoriya ishlari va amaliy mashg'ulotlarni talab darajasida o'tkazishga e'tiborni oshirishdir. Bu kabi ko'rik-tanlovlar o'qituvchilarning yanada faollashuviga xizmat qilishi shubhasiz.

Bir necha yildan buyon umumta'lim maktablarida ta'lim sifati monitoringi o'tkazib kelinmoqda. Monitoring natijalari tahlil qilinganda o'quvchilarning kimyo fanidan 8-sinfda "Kimyoviy bog'lanish turlari", "Eritmalar" mavzusiga oid masalalarni yechish, tuzlar va oksidlarning ekvivalentini topish, sanoatda xlorning olinishi va tabiatda uchrashiga oid mavzular, oksidlanish-qaytarilish reaksiya tenglamalarini tuzish, ion almashinish reaksiyalari, 9-sinfda eritmalar va elektroliz, yadro reaksiyalari, diyen uglevodorodlar, uglerodning davriy sistemadagi o'rnini va ishlalishi, cho'yan va po'lat ishlab chiqarish mavzulariga oid savollarga javob berishda xatolikka yo'l qo'ygani aniqlandi.

Hozirgi kunda xalq ta'limi tizimida yaxshi an'ana yo'lga qo'yilgan. Oliy ta'lim muassasalari, xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish institutlari mutaxassislarining ilmiy salohiyatidan foydalangan holda mahorat darslari tashkil etilib, umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchilariga metodik yordam ko'rsatilmoqda. "Mahorat maktablari"da o'quv yili davomida amalga oshirilgan ishlar, ilg'or tajribalar o'rganilib, tajriba almashish yo'lga qo'yilgani maktab faoliyatini yanada samarali, yuqori saviyada tashkil etish, pedagoglarning yangi-yangi usul va metodlarni o'zlashtirishiga xizmat qilayapti.

Ta'kidlash lozimki, amaliyotchilar har uch yilda malaka oshirsa, "Mahorat maktablari" tizimi orqali pedagoglar har oyda malaka oshirishi, izlanishi, o'z ustida ishlashi, yangiliklarni o'zlashtirishi, faoliyat samaradorligini oshirib, ish tajribasini namoyish qilishi, hamkorlikda olgan tajribalari yordamida o'quvchilar bilimida aniqlangan bo'shliqlarni bartaraf etishi mumkin. Kimyo fanidan olingan nazariy tushunchalar amaliy tajribalar o'tkazish, masalalar yechish orqali mustahkamlanadi.

Mazkur mulohazalardan kelib chiqib, 2016-2017-o'quv yili uchun o'tkaziladigan an'anaviy avgust kengashi sho'ba yig'ilishlarida kimyo fani o'qituvchilari quyidagi yo'nalishlar bo'yicha fikr almashishlari maqsadga muvofiq:

— sinflar kesimida mavzular bo'yicha o'quv dasturi asosida laboratoriya va amaliy ishlarga doir namunaviy mashg'ulotlar o'tish;

— kimyo darslarida zamonaviy o'quv-laboratoriya jihozlaridan samarali foydalanish, amaliy ish va laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazish uchun kimyoviy moddalar, yaroqsiz jihozlar o'rni qayta to'ldirish;

— laboratoriya ishlari va amaliy mashg'ulotlarni o'tkazishda fan o'qituvchisi hamda laborantning vazifalari;

— hududlarda tashkil etilgan "Mahorat maktablari" o'qituvchilari tomonidan zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida elektron darsliklar va qo'llanmalar, o'quv filmlari, virtual laboratoriya ishlari, animatsion ko'rgazmali tajribalar, videodarslar, plakatlarni to'plamlaridan foydalanib, ko'rgazma-namoyishli darslarni tashkil etish;

— joriy o'quv yilida kimyo fanidan o'tkazilgan ta'lim sifati monitoringi, fan olimpiadasi va bilimlar bellashuvi natijalarida aniqlangan bo'shliqlar hamda o'zlashtirilishi murakkab bo'lgan masalalarni yechish ustida ishlash;

— kimyo sohasida yangilik yaratgan, shu yo'nalishda faoliyat olib borayotgan va ijobiy natijalarga erishgan tajribali o'qituvchilar, olimlar ishtirokida davra suhbatlari tashkil etish;

— darsdan tashqari to'g'arak ishlarini yanada jonlantirish, tejamkorlik saboqlariga doir o'quv-tarbiyaviy mashg'ulotlar haqida fikrlashish;

— hozirgi kunda respublikamiz kimyo sanoatining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi, fanning texnika, sanoat va xo'jalikdagi istiqbollari to'g'risidagi ma'lumotlarni maktab kimyo ta'limi mavzulariga mos holda o'qituvchilarga yetkazish haqida fikr almashish va galdagi vazifalarni belgilab olish tavsiya etiladi.

2016-2017-o'quv yilida umumiy o'rta ta'lim maktablarida foydalaniladigan darsliklar, yangi metodik qo'llanmalar quyidagilardan iborat:

— I.Asqarov, N.To'xtaboyev, K.G'opirov hammuallifligidagi amalda foydalanilayotgan 7-, 8-, 9-sinf "Kimyo" darsliklari;

— Umumta'lim maktablari uchun kimyo fani bo'yicha chop etilgan, I.Asqarov, M.Boxodirova, K.G'opirov tomonidan tayyorlangan "Kimyodan masala va mashqlar yechish usullari" qo'llanmasi;

— B.Akbarovning "Mo'jizalar olamiga sayohat", "Qiziqarli kimyo" kabi qo'llanmalar hamda fanga oid internet ma'lumotlari, jurnallardan foydalanish tavsiya etiladi.

Bundan tashqari, ta'lim portallaridagi kimyo faniga doir dars ishlanmalar, videodarslardan ijodiy foydalanish maqsadga muvofiq.

O'quvchilarga umumta'lim fanlari asoslarini chuqur o'rgatish, ularning siyosiy-g'oyaviy, estetik, ekologik ta'lim-tarbiyasini kuchaytirish, tabiat va jamiyatga ijobiy munosabatni shakllantirish, keyingi yillarda fan sohalarida erishilgan yutuqlarga oid materiallar bilan tanishtirib borish orqali yoshlarda Vatanga muhabbatni oshirish, kasbga yo'naltirish, har bir sohada (maishiy hayot, sanoat, qishloq xo'jaligi va hokazolarda) tejamkorlikka o'rgatish ko'zda tutiladi.

Jarayonda suv, gaz, elektr energiyasini tejab ishlatishga o'rgatish bilan birga, uzluksizlikni ta'minlash asosida umumta'lim fanlaridan olingan bilimlar mustahkamlanib, o'quvchilarga modda, uning tuzilishi va xossalari, olinishi, eng muhim tushuncha va qonunlar, nazariyalar, ishlab chiqarish texnologiyalari,

respublikamiz sanoatida erishilgan yutuqlar, tabiat va jamiyatga ishlab chiqarishning ta'siri haqida bilim berish va amaliy malakalar hosil qilishga e'tibor qaratiladi. O'quv dasturi o'quvchilarning bilishi, anglashi, amaliy ishlarni bajara oladigan ko'nikma va malakalarga ega bo'lishini ta'minlash hamda uning sifati aniqlashga imkon beradi. Mashg'ulotlarni o'quvchilarning psixologik, fiziologik va yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda tashkil etish, belgilangan tushunchalardan sinflar kesimida sinfdan tashqari mashg'ulotlar, tarbiyaviy soatlar, to'g'arak mashg'ulotlari va dars mavzulari tarkibida foydalanish tavsiya etiladi.

Sho'ba yig'ilishlarida kimyo fani yo'nalishida tuman, viloyat, respublika miqyosida ish tajribalari ommalashtirilgan o'qituvchilar faoliyati, erishgan yutuqlari haqida davra suhbatlari, taqdimotlar o'tkazish ham maqsadga muvofiq.

(Davomi 8-betda.)

(Davomi. Boshi 7-betda.)

Informatika

Yangi o'quv yili oldidan o'tkaziladigan an'anaviy avgust kengashlari sho'ba yig'ilishlarida o'tgan o'quv yilida amalga oshirilgan ishlar, yutuq va kamchiliklar tahlil etilib, galdagi muhim vazifalar belgilab olinadi.

Sho'ba yig'ilishlarining sermazzun o'tishi ko'proq o'qituvchi fikrini tinglash va ijodiy yangiliklarni qo'llab-quvvatlashga bog'liq. Jumladan, informatika fani bo'yicha tashkil etilgan "Mahorat maktablari"da o'quv yili davomida amalga oshirilgan ishlar samaradorligi qatorida yo'l qo'yilgan kamchiliklar, kelgusidagi vazifalar bo'yicha atroflicha fikr almashiladi. Yig'ilish doirasida bilimlar bellashuvi, fan olimpiadasi, ko'rik-tanlovlar hamda o'tkazilgan monitoring natijalariga ko'ra yuqori ko'rsatkichga ega maktablar hamda o'quvchilar bilimidagi mavjud bo'shliqlarga e'tibor qaratilishi lozim. Bunda fan metodlariga umumiy fikr-mulohaza, taklif va tavsiyalarni jamlab, joylarga yetkazish vazifasi yuklatiladi.

An'anaga ko'ra, informatika fani mavzularini yoritishda elektron axborot-ta'lim resurslaridan o'rinni foydalanayotgan o'qituvchilar

tajribasini o'rganish masalasi muhokamaga qo'yiladi. Fan mazmuniga o'z ta'sirini ko'rsatuvchi asosiy omil bu darslikdir. Shu bois o'quvchilarning darslikdagi mavzularni to'liq o'zlashtirishida qanday to'siq yoki sabablar mavjudligini muhokama qilish maqsadga muvofiq. Darslik va qo'llanmalarni yaratishda bolalarning yosh xususiyatini inobatga olish hamda davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturiga mosligi yuzasidan fikr almashish ham kelgusida yuz berishi mumkin bo'lgan ayrim kamchiliklarning oldini olishga xizmat qiladi.

Asosiy, o'quv jarayonida umum-ta'lim maktablaridagi mavjud texnika vositalaridan unumli foydalanish yuzasidan zarur tushuncha va tavsiyalar berish lozim. Barcha fanlarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini samarali qo'llashda informatika fani o'qituvchilari ta'limotchi vazifasini bajaradi. Masalan, 2015-2016-o'quv yilida Xalq ta'limi vazirligi tomonidan o'tkazilgan anketa savolnomasidagi bitta bandni muhokama etsak. "Maktabingizda qaysi darslarda AKTdan foydalaniladi?" degan savolga quyidagicha (so'rovnomaga qatnashgan o'quvchilar soni — 12003) javob olingan:

№	Fan nomi	Ishtirokchi o'quvchilar soni	Jami (foiz)
1	Ona tili	1862	15,5
2	Xorijiy tillar	8246	68,7
3	Rus tili	1708	14,2
4	Tarix	2586	21,5
5	Matematika	1770	14,7
6	Informatika	8939	74,5
7	Fizika	2896	24,1
8	Kimyo	2659	22,2
9	Biologiya	2485	20,7
10	Geografiya	2046	17
11	Iqtisodiy bilim asoslari	1155	9,6

Yuqoridagi jadvalda keltirilgan ma'lumotga e'tibor berilsa, fanlarda AKTdan foydalanish darajasi va o'quvchilarning fanga qiziqishi bo'yicha ko'rsatkich ancha past ekani ko'rinadi. Bu har bir viloyatdagi 3 ta tumanda 9 tadan maktabni o'rganish jarayonida olingan xulosa.

Anjumanda o'tgan o'quv yilida bo'lib o'tgan bilimlar bellashuvi va fan olimpiadasi hamda 7-sinfda tanlov asosida o'tkazilgan imtihon sinovi natijalarini jiddiy yondashuv asosida tahlil etish lozim. O'tgan o'quv yilida 7-sinf o'quvchilari o'rtasida o'tkazilgan imtihon ayrim maktablardagi sinflarda o'quvchilarning informatika faniga qiziqishi qisman kamayganidan darak beradi. Bu esa avvalgi va joriy o'quv yilida o'tgan imtihonni tahlil etish zarurati mavjudligini ko'rsatadi.

Odatda, 7-sinflar uchun informatika fanidan nazorat imtihoni yozma tarzda o'tkaziladi. O'tgan o'quv yilida berilgan savollarni o'qituvchilarning muhokama etishi tavsiya qilinadi. Shuningdek, maktab, tuman fan olimpiadalariga

taqdim etib kelinayotgan masalalar ham doimo barcha o'qituvchilarga tushunarli bo'lmasligi mumkin. Chunki ayrim savollar o'quvchilarni mustaqil fikrlash va mushohada yuritishga undashga qaratilgan. Bu esa ko'pchilikka qiyinlik yaratishi mumkin. Demak, yangi o'quv yilida mazkur mavzularni bayon etishda o'qituvchining o'quvchiga qo'shimcha tushuncha berishiga to'g'ri keladi. Bunday bahslarni sho'ba yig'ilishlarida o'zaro tahlil qilish o'ta ahamiyatlidir. Jumladan:

1-savol. Belgilari 4 bit yordamida kodlash mumkin bo'lgan bitta va 4 bit yordamida kodlash mumkin bo'lmagan informatikaga oid bitta gap yozing. Fikringizni asoslab bering.

Javob:

4 bit yordamida $2^4=16$ ta turli belgini kodlash mumkin. Demak, gapdagi bir-biridan farqli belgilari (turli harflar, tinish belgilari, probel, raqamlar) soni 16 tadan oshmasligi kerak.

Misolda ko'rib o'tamiz:

1-misol. Axborotning 2 ta turi bor. Bu gapdagi turli belgilar:

A	x	b	o	r	t	n	i	g	probel	2	a	u	.
1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

Ya'ni, jami 14 ta turli belgi bo'ladi. Demak, 14<16 bo'lgani uchun bu gapdagi bitlarni 4 belgi yordamida kodlash mumkin.

2-misol. Axborotning uzluqli va uzluksiz turlari bor. Bu gapdagi turli belgilar:

A	x	b	o	r	t	n	i	g	probel	u	z	i	k	v	a	s	.
1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

Ya'ni, jami 18 ta turli bit bo'ladi. Bu gapdagi belgilar soni 4 bit yordamida kodlash mumkin bo'lgan belgilar soni (16)dan katta. Shuning uchun bu gapdagi bitlarni 4 bit yordamida kodlab bo'lmaydi.

2-savol. Ikki bit sanoq sistemasida 0 dan boshlab butun sonlarni barchasining yig'indisi 21 ga teng bo'lguncha ketma-ket yozing.

Javob:

0, 1, 10, 11, 100, 101, 110, 111, 1000, 1001, 1010, 1011, 1100, ...

1011 sonigacha bo'lgan barcha raqamlar yig'indisi 20ga, 1100 gacha bo'lganlarniki esa 22 ga teng.

Ishlash usuligiz to'g'ri. Shartda "yig'indisi 21 ga teng bo'lguncha" deyilgan. 1011 sonigacha bo'lgan barcha raqamlar yig'indisi 20, ya'ni 21 dan kichik. Shuning uchun keyingi son — 1100 ham olinishi tabiiy. Agar savolda berilgan mazmun o'quvchilarga mavhum tuyulsa, u holda masala shartini "yig'indisi 22 ga teng bo'lguncha" deb o'zgartirish ham mumkin.

Keyingi uchragan savollarga ham shu tarzda yondashish mumkin.

3-savol. 0,25 kbayt va 0,125 pbayt orasidagi axborot hajmi o'lchov birliklarini yozing.

Javob: 0,25 kbayt=256 bayt<1 kbayt<1 mbayt<1 gbayt<128 tbayt=0,123 pbayt bo'lgani uchun: 1 kbayt, 1 mbayt, 1 gbayt. Chunki har qanday o'lchov birligi 1 va o'lchov nomi bilan aniqlanadi.

4-savol. Gorizontaliga 1024 ta, vertikaliga 768 ta nuqtali ekrandagi rasmni saqlash uchun kerak bo'lgan xotira hajmini aniqlang.

(Bu savolda muammo shuki, rang ko'lami berilmagan).

Masalada rang ko'lami haqida aytilmagan. Shuning uchun bunday holda doimo 1 bit ($2^1=2$ ta rang: oq va qora tushuniladi). Bu rang ko'lami masalaga mos hisob-kitoblarga ta'sir etmaydi. Ya'ni:

Gorizontaliga 1024 ta, vertikaliga 768 ta nuqta (piksel), rang ko'lami 1 bit bo'lsa, u holda $1024 \cdot 768 \cdot 1 \text{ bit} = 786432 \text{ bit} = 98304 \text{ bayt} = 96 \text{ kbayt}$ hajmli xotira kerak bo'ladi.

Shaxsga yo'naltirilgan o'quv vaziyatlari o'quvchining bilish faoliyatini tashkil etish usullari bilan uzviy bog'liq. Bu usullar: muammoli-izlanish, tadqiqot, dialogik munosabat metodlari (dialog, evristik suhbat, munozara, guruhli ish turlari va boshqalar)dan iborat.

Shuningdek, o'quv mashg'ulotlarining shakllari ham turlicha. Alohida e'tibor dialogik munosabat va tadqiqot-izlanish metodlariga qaratiladi. Shuningdek, ko'rgazmativiy va reproduktiv metodlar ham rad etilmaydi, albatta.

Yuqorida keltirilgan mavzuni yoritishda Y.A.Aleksandrov tomonidan asoslangan hamda G.Y.Bush tomonidan qayta ishlangan "Fikrlarning shiddatli hujumi" metodidan keng foydalanish mumkin. Bu har bir ta'lim oluvchining shaxsiy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga ko'maklashish hamda ta'lim oluvchilarda ma'lum jamoa (guruh) tomonidan bildirilgan fikrga ikki qarshi g'oyani ilgari surish layoqatini yuzaga keltirishdan iborat.

Ushbu metoddan foydalanishga asoslangan mashg'ulot quyidagi bosqichlarda tashkil etiladi:

1-bosqich. Ruhijihatdan bir-biriga yaqin bo'lgan ta'lim oluvchilarni o'zida birlashtirgan hamda son jihatdan teng bo'lgan kichik guruhlarni shakllantirish.

2-bosqich. Guruhlarga hal etish uchun topshirilgan vazifa yoki topshiriqlar mohiyatidan kelib chiqadigan maqsadlarni aniqlash.

3-bosqich. Guruhlar tomonidan muayyan g'oyalarning ishlab chiqilishi (topshiriqlarning hal etilishi).

4-bosqich. Topshiriqlar yechimlarini muhokama etish, to'g'ri hal etilganligiga ko'ra ularni turkum-larga ajratish.

5-bosqich. Topshiriqlar yechimlarini qayta turkumlash, ya'ni ularni to'g'ri darajasi, yechimini topish uchun sarflangan vaqt, yechimlarning aniq va ravshan bayon etilishi kabi mezonlar asosida baholash.

6-bosqich. Dastlabki bosqichlarda topshiriqlar yechimlari yuzasidan bildirilgan muayyan tanqidiy mulohazalarni muhokama etish hamda ular borasida yagona xulosaga kelish.

Yuqorida mohiyati bayon etilgan «Fikrlarning shiddatli hujumi» metodini ijtimoiy, gumanitar va tabiiy yo'nalishlardagi fanlar yuzasidan tashkil etiladigan mashg'ulotlar jarayonida birdek muvaffaqiyatli qo'llash mumkin. Metodni qo'llash jarayonida quyidagi holatlar yuzaga keladi:

— o'quvchilar tomonidan muayyan nazariy bilimlarning puxta o'zlashtirilishiga erishish;

— vaqtni iqtisod qilish;

— har bir o'quvchini faollikka undash;

— o'quvchilarda erkin fikrlash layoqatini shakllantirish.

O'quvchilarning fanga qiziqishini oshirishda to'garak yoki qo'shimcha mashg'ulotlarning ahamiyati katta. To'garak yoki qo'shimcha mashg'ulotlarda, odatda, o'quvchilarning imkoniyatlarini hisobga olgan holda topshiriq berish tavsiya etiladi. Natijada o'quvchini zo'riqishdan, charchashdan himoya etamiz. O'quvchilarga, masalan, dasturlash tilini o'rgatishda chiziqli, tarmoqlanuvchi va takrorlanuvchi tarkibli sodda masalalar berish maqsadga muvofiq. Tavsiya qilinayotgan masalalarning deyarli barchasi murakkablik darajasi jihatidan maktab darsligidagi masalalardan deyarli farq qilmasligi lozim.

Topshiriqlar o'quvchilarning mantiqiy, algoritmik tafakkurini rivojlantirishga yordam berishi kerak. To'garakdagi o'quvchilarning imkoniyatini hisobga olish, beriladigan topshiriqlar algoritmlashga, shakl, chizma yasashga oid bo'lishi tavsiya etiladi. Mantiqiy o'ylashga, masalani turli tomondan tahlil etishga undaydigan algoritmlardan biri tanlama algoritmdir. Bu algoritmi o'rganishga yo'naltirish uchun quyidagi 1,-2-sodda, 3,-4-o'rtacha murakkablikdagi masalalarga e'tibor qaratsak.

(Davomi 9-betda.)



2016-yil 9-iyul, № 55 (8912)

(Davomi. Boshi 7-, 8-betlarda.)

1-mashq. $A = \{1; 2; 3; 8; 11; 19\}$ to'plam berilgan. Shu to'plam elementlaridan yig'indisi 30 ga teng bo'lgan va elementlari o'sish tartibida joylashgan to'plamlar sonini aniqlang.

Javob – 3 ta. $\{1; 2; 8; 19\}$, $\{3; 8; 19\}$, $\{11; 19\}$.

Tahsil: Oddiy usulda yig'indini hisoblash orqali quyidagilar aniqlanadi: $1+2+8+19=30$; $3+8+19=30$; $11+19=30$. Bu esa vazifa shartiga mos 3 ta $\{1; 2; 8; 19\}$, $\{3; 8; 19\}$ va $\{11; 19\}$ to'plam borligini ko'rsatadi.

Javob: 3 ta.

2-mashq. $A = \{1; 2; 3\}$ bo'lsin. Uning barcha takrorlanmas qism to'plamlarini tuzing. Takrorlanmas qism to'plami deganda hech bo'lmaganda bitta elementi bilan (elementning o'rnini bilan emas!) farq qiluvchi to'plamlarga aytiladi. Masalan, $\{1; 2\}$ va $\{2; 1\}$ to'plamlar bir xil to'plamlar hisoblanadi.

Tahsil. Takrorlanmas bunday to'plamlar quyidagilar:

1 ta elementli: $\{1\}$, $\{2\}$, $\{3\}$; 2 ta elementli: $\{1; 2\}$, $\{1; 3\}$, $\{2; 3\}$; 3 ta elementli: $\{1; 2; 3\}$.

3-mashq. Kvadratni aylana bo'ylab tekis harakatlantiruvchi dastur tuzing.



Dasturi:
usesGraphABC;
var x0,y0,x,y,L: integer;
a,da: real;
begin
SetWindow Size(400,400);
x0:=200; y0:=200; L:=150;
a:=0; da:=pi/180;
pen.Color:=clBlue;
pen.Width:=2;
whiletrue do

begin
Window.Clear;
Circle(x0,y0,L);
x:=trunc(x0+L*cos(a));
y:=trunc(y0+L*sin(a));
Rectangle(x-10,y-10,x+10,y+10);
Sleep(1);
a:=da;
end;
end.

4-mashq. Bir yoki bir nechta probel bilan ajratilgan lotin harflardan iborat so'zlar yozilgan A satr berilgan. A satrdagi shu so'zlarni bitta probel bilan teskari tartibda chiqaruvchi dastur tuzing.

Yechimi:
uses crt;
var;
a,b:string;
Begin clrscr;
write("Satr=");readln(a); a:=a+" ";
whilepos(" ",a)>0 do delete(a,pos(" ",a),1);

b:="";
whilepos(" ",a)>0 do
begin b:=copy(a,1,pos(" ",a)-1)+" "+b; delete(a,1,pos(" ",a));
y end;
writeln("Javob:",b);
readln;
y end.

Sho'ba yig'ilishlarida yuqoridagi misollar asosida fanni o'qitishdagi muammolar, ularning yechimi, darslarni tajriba-tadqiqotdan o'tgan ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida tashkil qilish, o'quv jarayonida o'quvchilarda mustaqil fikrlash kompetensiyasini shakllantirishga yo'naltirilgan masalalarni kompyuter yordamida yechish mashqlarini bajarish, elektron axborot-ta'lim resurslari, multimedia o'quv filmlari hamda qo'shimcha qo'llanmalardan oqilona foydalanishga yo'naltiruvchi mashg'ulotlarni tashkil etish maqsadga muvofiq.

Boshlang'ich ta'lim

Boshlang'ich ta'lim umumiy o'rta ta'limning asosiy poydevori, o'quvchilarning kelajakda komil inson bo'lib voyaga yetishini ta'minlovchi muhim bosqich hisoblanadi.

O'tgan 25 yil mobaynida yurtimizda boshlang'ich ta'limni rivojlantirish borasida qator yutuqlarga erishildi. Jumladan, boshlang'ich ta'lim bosqichi uchun zamon talablariga javob beradigan yangi davlat ta'lim standartlari, o'quv dasturi, shu jumladan, darsliklarning multimedia ilovalari, darsliklar va o'quv qo'llanmalari ishlab chiqilib, amaliyotga joriy etildi. Ilg'or pedagogik texnologiyalar va o'qitishning interfaol usullaridan keng foydalanilmoqda. Modernizatsiyalangan ta'lim talablariga muvofiq tarzda yangilangan "Boshlang'ich ta'lim konsepsiyasi"da ta'kidlanishicha, "Shaxsga yo'naltirilgan hamda kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan boshlang'ich ta'lim jamiyat taraqqiyoti bilan baravar rivojlanib, takomillashib boruvchi ta'lim

nazariyasiga tayangan holda muntazam tarzda rivojlantiriladi va shaxsni jamiyat talablari asosida yuksaltirishga xizmat qiladi". Shuningdek, mazkur konsepsiyaning 6-bandida ta'lim jarayoniga innovatsion pedagogik texnologiyalarni va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini tatbiq etishning mexanizmlari ko'rsatilib, boshlang'ich ta'limni takomillashtirishda ilg'or pedagogik va mediata'lim texnologiyalarining o'rni ko'rsatib o'tilgan. Shunga ko'ra maqsadimiz — boshlang'ich ta'limning sifatini jahon talablari darajasiga ko'tarishga erishish, bo'shliqlarni aniqlash va to'ldirishdir.

Bu ishlarni samarali amalga oshirishda boshlang'ich sinf o'qituvchisining yuqori kasbiy salohiyati va ma'lumot darajasi, bolalar psixologiyasi hamda hozirgi zamon boshlang'ich ta'lim metodikasini chuqur bilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Boshlang'ich ta'lim metodistlari, ta'lim muassasalari rahbarlari va boshlang'ich sinf o'qituvchilari ta'lim sifati va samaradorligini oshirish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirishlari lozim:

- boshlang'ich sinflarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini oshirish uchun sinfxonalarni zamon talablari darajasida jihozlash hamda ularning moddiy-texnika bazasini mustahkamlash;
- ilg'or ish tajribalarini amaliyotga joriy etishni jonlantirish, ya'ni metodbirlashma (maktab), metoduyushma (tuman, shahar), viloyat metodika markazi va RTM tomonidan ommalashtirilishi lozim bo'lgan ishlarni oldindan aniq rejalashtirish;
- boshlang'ich ta'lim mutaxassislarining zarur o'quv-me'yoriy hujjatlar bilan ta'minlanishi va ularning mazmunini puxta bilishiga erishish;
- boshlang'ich sinflar uchun tegishli fanlardan darsliklarning multimedia ilovalari ishlab chiqilmaganini nazarda tutib, o'qituvchilarning darsda texnik vositalarni qo'llab, ijodiy ishlashi uchun sharoit yaratish, malaka oshirish kurslarida sohaga oid bilimlarini oshirish;
- darslarda ischan muloqot, mustaqillik, faollik, hamkorlik, o'zaro ishonchga asoslangan pedagogik muhitni vujudga keltirish, joylardagi "Mahorat maktablari"da aynan shunday o'quv vaziyatlarini yaratish va amalga oshirish bo'yicha mashg'ulotlar tashkil etish;
- boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kompyuter va boshqa zamonaviy o'qitish texnologiyalaridan ijodiy foydalanishi, amaliy didaktik o'yinlar asosida bilim berish uchun zarur ko'nikma va malakalarga ega bo'lishi, mavzular mazmundorligini oshiruvchi vositalar, tarqatma materiallardan samarali foydalanishiga erishish;
- boshlang'ich sinf o'qituvchilarining darsliklarning multimedia ilova hamda qo'llanmalardan foydalanish bo'yicha ko'nikma va malakalarini shakllantirish uchun tizimli harakatdagi o'quv seminarlarini o'tkazish;
- boshlang'ich ta'lim bo'g'ida bo'shliq yuzaga kelishining oldini olish uchun ta'limni integratsiyalash va tabaqalashtirishga alohida e'tibor qaratish.

Shuningdek, joriy yilning 13–14-iyul kunlari "Boshlang'ich ta'limni modernizatsiyalash orqali o'quv-tarbiya jarayoni sifati va samaradorligini oshirish" mavzusida o'tkaziladigan forum tavsilyalarini amaliyotga joriy etish maqsadga muvofiq.

Yuqorida ko'rsatilgan vazifalarga asoslangan holda an'anaviy avgust kengashining sho'ba yig'ilishlarini boshlang'ich sinf o'quvchilarida zarur hayotiy ko'nikmalarni shakllantirish, ta'lim sifati va samaradorligini yangi bosqichga ko'tarish, o'qitishning zamonaviy usul va vositalarini amaliyotga joriy etish, boshlang'ich ta'lim mazmunini takomillashtirishga oid mavzular bo'yicha ijodiy yondashgan holda noan'anaviy tashkil etish lozim.

2016–2017-o'quv yili uchun chop etilishi rejalashtirilgan 1-, 2-, 3-sinflarning amaldagi barcha darslik va o'quv qo'llanmalari ko'rib chiqilib, ayrim

juz'iy kamchiliklar tuzatilgan holda qayta nashr etildi. 1-sinflar uchun "Atrofimizdagi olam" (M.Ahmedova va boshqalar) o'quv-metodik majmuasi yangidan tanlov asosida yaratildi va amaliyotga tatbiq etiladi.

"Sog'lom ona va bola" yili Davlat dasturining 60-bandi ijrosini ta'minlash maqsadida 3-sinf o'qituvchilari uchun ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida "Ona tili" (U.Masharipova va boshqalar), "O'qish" (G.Boymurodova va boshqalar), "Matematika" (B.Abdullayeva va boshqalar), "Tabiatshunoslik" (M.Tillaboyeva va boshqalar) kabi metodik qo'llanmalar va ularning multimedia ilovalari tayyorlandi. Ularning barchasi joylardan olingan buyurtmaga ko'ra, ta'lim muassasalariga yetkazildi. Sho'ba yig'ilishlarida ushbu o'quv-metodik mahsulotlarni ta'lim jarayoniga joriy etishga doir "Mahorat darslari"ni o'tkazish maqsadga muvofiq.

Avgust kengashi sho'ba yig'ilishlarida quyidagi mavzularda bahs va munozaralar o'tkazish tavsiya etiladi:

- 1-sinf o'quvchisining maktab muhitiga moslashuvini ta'minlash;
- savodga o'rgatish davrida o'quvchilarda chiroyli yozuv malakasini shakllantirish;
- ta'lim jarayonini pedagogik texnologiyalar asosida takomillashtirish;
- o'qituvchining pedagogik mahoratini oshirish yo'llari;
- boshlang'ich sinf o'quvchilarida tayanch kompetensiyalarni shakllantirish;
- ona tili darslarini tashkil etishda didaktik o'yinlardan foydalanish;
- ona tili darslarida imlo malakasini shakllantirishda orfografik tahlilning ahamiyati;
- o'qish darslarida Alisher Navoiy hikmatlarini o'rganish usullari;
- kichik maktab yoshidagi o'quvchilar ongiga milliy istiqlol g'oyasini singdirish;
- xalq o'yinlaridan foydalanish orqali o'quvchilar ongiga milliy qadriyatlarimizni singdirish;
- o'qish darslarini mazmunan takomillashtirish yo'llari;
- o'quvchilarda yozma va og'zaki hisoblash ko'nikmalarini shakllantirish;
- nostandart masalalarni tanlash usulida yechish;
- kichik yoshdagi o'quvchilarni matematika faniga qiziqtirishda didaktik o'yinlarning o'rni;
- boshlang'ich sinfda mantiqiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish;
- mantiqiy masalalar — ijodiy fikrlashni rivojlantiruvchi omil sifatida;
- ilg'or pedagogik texnologiyalardan foydalanish holda boshlang'ich sinf o'quvchilarini sodda masalalarni yechishga o'rgatish usullari;
- boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy fikrlashga yo'naltirish;
- boshlang'ich sinflarda iqtidorli bolalar bilan tizimli ishlash;
- ta'lim samaradorligini oshirishda tarbiyaning o'rni;
- boshlang'ich sinf o'quvchilarini faollikka undovchi usullar;
- boshlang'ich sinf o'qituvchisining ish tajribasidan (ilg'or ish tajribalarini ommalashtirish masalalari);
- atrofimizdagi olam va tabiatshunoslik darslarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash;
- boshlang'ich sinflarda "Quvnoq daqiqalar"dan foydalanish;
- boshlang'ich ta'limda pedagogik hamkorlikning o'rni;
- o'quvchilar iqtidorini rivojlantirishning psixologik-pedagogik asoslari;
- shaxsga yo'naltirilgan ta'lim bilish faoliyatini rivojlantirish omili sifatida;
- 1-, 2-sinf o'qituvchilari uchun ona tili, o'qish, matematika, atrofimizdagi olam fanlaridan yaratilgan metodik qo'llanma va multimedia ilovalardan dars jarayonida foydalanish holatlari va 2016–2017-o'quv yilidagi vazifalar;
- 3-sinflar uchun ona tili, o'qish, matematika, tabiatshunoslik fanlaridan yaratilib, 2016–2017-o'quv yili uchun chop etilgan metodik qo'llanmalar va darsliklarning multimedia ilovalarini dars jarayoniga tatbiq etish yo'llari.

(Davomi 10-betda.)



(Davomi. Boshi 7-, 8-, 9-betlarda.)

Biologiya

Unib-o'sib kelayotgan yoshlar qaysi kasbni tanlashdan qat'i nazar, tabiiy usullarda olinadigan oziq-ovqat, doridarmom, kiyim-kechak, sanoat, qurilish va ehtiyojbop xalq xo'jaligi mahsulotlari biologiya fanining yutuqlari ekanini his qilmog'i lozim. Buning uchun umumta'lim maktablarida biologiya fanini o'qitishda zamonaviy texnik vositalar, virtual laboratoriya jihozlari, o'quv filmlari, elektron darsliklar, videodars ishlamlaridan foydalanish hamda ta'lim sifatini oshirish maqsadida o'qituvchilar uchun metodik qo'llanmalar yaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan, 2016—2017-o'quv yili uchun biologiya fanidan 5-, 6-, 8-, 9-sinf darsliklarining metodik qo'llanma(o'qituvchi kitob)lari yaratildi.

Xalq ta'limi vazirligining buyrug'iga asosan 2015—2016-o'quv yili yakuni bo'yicha biologiya fanidan olingan tashqi monitoring natijalariga ko'ra, 6-sinf o'quvchilarining tabiatda uchraydigan har xil gullarni tanish va farqlash, chin va soxta mevali o'simliklarni bir-biridan ajratish, hashoratlarga va shamol yordamida, chetdan, o'z-o'zidan va sun'iy yo'llar bilan changlanadigan o'simliklarni, mevalarning tabiatdagi va inson hayotidagi ahamiyatini bir-biridan farqlay olish borasida bilimi sustligi ko'zga tashlandi. Zoologiya fanidan esa 7-sinf o'quvchilarining tasmasimon chuvalchang hamda gidraning tuzilishi, korall poliqlarining tabiat va inson hayotidagi ahamiyati, oq planariyaning

morfologik tuzilishi, jigar qurti lichinkasi borasidagi ko'nikmalarni o'zlashtirish, parazit chuvalchanglarning ayrim jinsi va germafredit turini bir-biridan farqlashda murakkablikka duch kelgani aniqlandi.

Ushbu monitoring natijalariga ko'ra, bo'shliqlarni to'ldirish maqsadida pedagoglarga quyidagilar tavsiya etiladi:

— maktabdagi o'quv-laboratoriya jihozlaridan to'liq, samarali foydalanish;

— o'quvchilarni fanga doir o'quv filmlari bilan tanishtirish;

— o'quv dasturlari va taqvim mavzu rejalarda berilgan ekskursiya mashg'ulotlarini imkoniyatdan kelib chiqqan holda fermer xo'jaliklarida o'tkazish;

— "Mevalarning xilma-xilligi, ularning tabiat va odamlar hayotidagi ahamiyati" mavzusidagi darsni ko'rgazmali plakatlarga va proyeksiyon slaydlar asosida tashkil etish;

— sho'ba yig'ilishlarida biologiya fanini o'qitishdagi muammolar, ularning yechimi, darslik hamda elektron darsliklar, qo'llanmalar, fan xonasining jihozlanishiga e'tibor qaratish, o'quv-laboratoriya jihozlaridan samarali foydalanish, ularni saqlash hamda fanga oid yangiliklar kabi masalalarni ko'rib chiqish;

— 5-, 6-, 8-, 9-sinf o'qituvchilari uchun (J.Tolipova va boshqalar muallifligida) tayyorlangan metodik qo'llanmalardan dars jarayonida foydalanish;

— Multimedia umumta'lim dasturlarini

rivojlantirish markazi bilan hamkorlikda yaratilayotgan videodarslardan o'quv jarayonida unumli foydalanish.

Sho'ba yig'ilishlarini o'quv-amaliy seminar shaklida o'tkazish tavsiya etiladi. Zimmasiga mustaqil fikrovchi, ijodkor, barkamol shaxsni tarbiyalashdek ulkan mas'uliyat yuklangan pedagoglar o'g'il-qizlarni ijodkorlikka undashi, mavjud elektron darslik va o'quv qo'llanmalarini fan mavzusini tushuntirish jarayonida asosli qo'llashi maqsadga muvofiq. Zero, fan o'qituvchilarining asosiy vazifasi ta'limda yuqori sifat va samaradorlikka erishish uchun biologiya yo'nalishidagi yangiliklarni izlab topish va amaliyotga tatbiq etish, o'quvchilarning mazkur fanga bo'lgan qiziqishini, fan taraqqiyoti va texnikasini o'rganishga intilishini oshirishdan iborat.

Biologiya fanidan ilg'or tajribali o'qituvchilarning ish tajribalari, yaratgan dars ishlamlari, metodik tavsiyalari www.uzedu.uz, www.rtm.uz, www.multimedia.uz veb-saytlariga joylashtirilmog'ida.

Yangi o'quv yilida biologiya fani o'qituvchilari o's oldilariga qo'yilgan murakkab, mas'uliyatli va ayni paytda dolzarb bo'lgan qator vazifalarni bajarishi kutilmog'ida. Jumladan:

— barcha mashg'ulotlarni ko'rgazmali vositalar asosida o'tkazish;

— dars jarayonida o'quv-laboratoriya jihozlaridan samarali foydalanish;

— o'quv-laboratoriya jihozlarini saqlash va o'rni to'ldirish;

— darslarga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazish jarayonida elektron axborot resurslaridan unumli foydalanish;

— barcha mashg'ulotlarni zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llagan holda olib borish.

Sho'ba yig'ilishlarini quyidagi mavzular bo'yicha o'tkazish tavsiya etiladi:

1 2016—2017-o'quv yilida umumiy o'rta ta'lim maktablarida foydalaniladigan darsliklar, metodik qo'llanmalar va qo'shimcha adabiyotlar haqida axborot berish hamda ularni jarayonga tatbiq etish yuzasidan fikrlashish.

2 Biologiya darslarida zamonaviy o'quv-laboratoriya jihozlaridan samarali foydalanish uchun sho'ba yig'ilishlarida amaliy va laboratoriya ishlarni namoyish qilish hamda kimyoviy moddalar, yaroqsiz jihozlarning o'rni qayta to'ldirish uchun buyurtmalar berish haqida suhbatlashish.

3 2015—2016-o'quv yili davomida o'tkazilgan monitoring natijalarida o'quvchilar bilimida aniqlangan bo'shliqlarni to'ldirish yuzasidan tavsiyalar berish.

4 Laboratoriya jihozlaridan foydalanib, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazib ko'rsatish, jihozlarni saqlash, o'quvchilarda tajmorkorlikni tarbiyalash, tajribalarning xavfsiz o'tishini ta'minlash, kimyoviy moddalardan ehtiyotkorona va unumli foydalanish, elektron darsliklar, qo'llanmalardan foydalanish yo'llari, fanga qiziquvchi o'quvchilar uchun fan to'g'irida o'qitiladigan mavzular to'g'risida ma'ruza, seminar va amaliy mashg'ulotlar hamda masalalar yechish mashqlari o'tkazish maqsadga muvofiq.

Geografiya

Monitoring natijalariga ko'ra, tabiatshunoslik va geografiya fanlaridan qator mavzular bo'yicha o'quvchilar bilimida bo'shliqlar aniqlangan. Jumladan:

— 4-sinfda "Quyosh — yerdagi hayot manbai", "Sayyoralar", "Quyosh sistemasidagi boshqa osmon jismlari", "Daryolar";

— 5-sinfda "Yo'nalish azimuti va masofani o'ichash", "Joy planini tuzish";

— 7-sinfda "Vaqt o'lchovi. Soat mintaqalari, taqvimlar", "Topografik xaritalar";

— 8-sinfda "O'zbekiston milliy iqtisodiyotining tuzilishi", "Rangli metallurgiya", "Elektroenergetika", "Quruqlik transporti", "Temiryo'l transporti", "Toshkent iqtisodiy geografik rayoni";

— 9-sinfda "Jahonning siyosiy xaritasi", "Sanoat tarmoqlari geografiyasi", "Qishloq xo'jaligi geografiyasi", "GFRning xo'jaligi", "Osiyo mamlakatlari" kabi mavzularga oid savol va topshiriqlarga javob berishda bolalar murakkablikka duch kelgan.

Bugungi kun o'qituvchisining asosiy vazifasi darsning muqaddas ekanini anglagan holda barcha mashg'ulotlarga mas'uliyat bilan yondashish, ilg'or pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, multimedia mahsulotlari va ko'rgazmali vositalardan samarali foydalanishdir.

O'qituvchilarga metodik yordam ko'rsatish sifatini oshirish maqsadida Respublika ta'lim markazining www.rtm.uz sayti-ga "Pedagogik mahorat ustaxonasi" ruknida tajribali o'qituvchilarning ilg'or pedagogik texnologiyalari, namunali dars ishlamlari va "Mahorat maktablari" uchun tayyorlangan metodik materiallarni joylashtirilmog'ida. Sho'ba yig'ilishlarida ushbu sayt materiallaridan samarali foydalanish bo'yicha fikrashib olish tavsiya etiladi.

Geografiya fani yo'nalishida yangilik yaratgan, sohada ijobiy natijalarga erishgan tajribali o'qituvchilar va "Eng yaxshi dars ishlamlari", "Eng yaxshi elektron axborot-ta'lim resurslari", "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2016" ko'rik-talovo'i g'oliblari bilan davra suhbatlari tashkil etish orqali ularning ilg'or pedagogik ish tajribasini o'rganish maqsadga muvofiq.

Geografiya fanidan o'zlashtirilishi murakkab bo'lgan mavzularga oid amaliy topshiriqlarni bajarishning turli usullari ustida fikr almashish, dars jarayonida ilg'or pedagogik texnologiyalardan foydalanish yuzasidan tavsiyalar ishlab chiqish va ularni dars jarayoniga tatbiq etish yo'llari yuzasidan ma'lumot berishga e'tibor qaratish zarur.

Umumta'lim maktablari uchun 2016-2017-o'quv yili oldidan o'tkaziladigan an'anaviy avgust kengashlarida boshqa fanlar bo'yicha sho'ba yig'ilishlarini o'tkazish yuzasidan tavsiyalar bilan gazetamizning keyingi sonlarida tanishishingiz mumkin.

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlarida o'qituvchilar bilan quyidagi vazifalarni belgilab olish tavsiya etiladi:

1 O'qituvchilarni 2016—2017-o'quv yilida umumta'lim maktablarida foydalaniladigan darsliklar, metodik qo'llanmalar va qo'shimcha adabiyotlar bilan tanishtirish.

2 "Mahorat maktablari"da o'quvchilar bilimida aniqlangan bo'shliqlarni to'ldirish va ularni bartaraf etish yo'llari bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish.

3 O'quvchilarning fanga qiziqishini oshirish, shuningdek, iqtidorli o'quvchilarni bilimlar bellashuvi, fan olimpiadasiga tayyorlashda qo'shimcha adabiyot va zamonaviy o'qitish metodlaridan foydalanish.

4 O'quvchilarning bilimini yanada oshirish, ulardagi mantiqiy fikrlash qobiliyatini shakllantirishda o'zlashtirilishi murakkab bo'lgan mavzularga doir amaliy mashg'ulotlarni tashkil etish.

5 Geografiya fanidan darslarni tashkil etishda www.geografiya.uz saytidagi fanga doir yangiliklar va ziqzarli ma'lumotlardan foydalanish.

6 O'quvchilar bilimida bo'shliqlarni to'ldirish uchun mavzular bo'yicha ko'proq xarita va o'quv atlaslari bilan ishlashni yo'lga qo'yish, bolalarning 5—8-sinfda olgan bilim, ko'nikma va malakalari asosida amaliy mashg'ulotlar o'tkazish yo'llari haqida ma'lumot berish.

7 O'quvchilarga o'z o'lkasining tarixi, tabiiy va iqtisodiy geografiyasi, madaniy yodgorliklari, tabiatini muhofaza qilish, madaniy va milliy merosimizni o'rganishda ekologik ta'lim-tarbiya berish, o'g'il-qizlarni "Yosh o'lkashunos", "Yosh sayyoh", "Muzeysunoslik" to'garaklariga jalb etish yuzasidan yo'nalishlar berish.

8 Umumta'lim maktablarida fanlarning o'qitilishi va samaradorligini oshirish maqsadida Xalq ta'limi vazirligining 2009-yil 11-sentabrdagi "Fan oylig'ini"ni o'tkazishni takomillashtirish to'g'risida"gi 252-sonli buyrug'iga asosan 2016—2017-o'quv yilini "Geografiya fan oylig'i" boshlab beradi. Mazkur fan oylig'ini yuqori saviyada tashkil etish va o'tkazishni ta'minlash, o'quv-metodik ishlarni amaliyotga tatbiq etishni yaxshilash, iqtidorli o'quvchilar bilan ishlashni yanada takomillashtirish maqsadida chora-tadbirlar rejasini belgilab olish, metodik tavsiyalar va ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida mavzular yuzasidan dars ishlamlarini tayyorlashni va ularni amalda qo'llashni to'g'ri yo'lga qo'yish haqidagi yo'nalishlarni belgilab olish maqsadga muvofiq.

2016-yil 9-iyul, № 55 (8912)

Йўл

Кишлоғимизда Чотқол тоғлари томон уч илон-изи йўл кетган. Бири йўловчини баҳаво маскан — Шаршара дарасига етакласа, кейингиси Уйтош, Олчали булоқ, Теракисойга элтади. Учинчи йўл эса тепаликдаги Қир яйловга, у орқали Ёнбулоқ, Арчалик, Зарчўян гўшаларига олиб боради. Уч йўл худдики бекинмачоқ ўйнаётгандай ҳали юқорига, сўнг пастга, гоҳи ўйдим-чүкурларга етаклайди, лекин қанча юрманг, охири кўринмайди: бир-бирига улашиб кетаверади. Қани энди, йўл тугасаю, манзилимга тезроқ етсам, деб ҳориб, чўллаб бораверасиз. Босган қадамнингиздан гоёки ўт чақнаб, товонингизни куйдираётган, оёқларингиздан қувват кетаётгандек сезасиз. Юқорига чиқиш нечоғлиқ қийинлигини шунда биласиз...

Дўстим билан йил бўйи йиғилган чарчоқлардан қутилиш, толиққан асабларни тинчлантириш учун тоққа, хушманзара жойларга қараб кетаяпмиз. Тепаликка кўтарилганимиз сари қадамларимиз оғирлашиб, секинлашади. Йўлимизда серхош дарахтлар учрар, дилни қувнатувчи кўкатлар барқ урган, гўё оламнинг бор гўзаллиги шу ерга жамлангандек. Бироқ айрим жойларда дарахтларнинг синган шох-шаббалари, қуруқ хаслар уюлиб ётар, назаримда, пиёдалар қарши йўлдаги шохларни бир четга сурмай, айланиб ўтаверган-ов.

— Одамлар бунча ялқов-а? — дейди шеригим хуноби ошиб. — Шунини сал сурса, олам гулистон-ку!

— Бўлади, — дейман ҳамроҳимга кулиб. — Қани, келинг, биргалашиб тозалаймиз.

— Нега биз? — ҳайратдан кўзлари катта-катта очилди дўстимнинг.

— Ҳамма шундай, «нега мен» деб кетавергани, учун уюлиб-уюлиб, охири йўлтўсарга айланган-да! — овозимни сал кўтариб гапираман.

Дўстимнинг аччиқ-аччиқ гап-сўзлари билан биргалашиб қуриган шохларни четга сурдик. Мана, энди йўл очилди...

— Қарга кетаётгувлик? — сўрайман ҳамроҳимдан.

— Тоққа-да! — илжайиб жавоб беради ошман.

Йўл очиқ, унга қўшилиб кўнгилларимизда қандайдир илиқлик, тоза ҳаво бордек қадамларимиз ҳам энгил кўтарилди, йўлнинг машаққати билинмайди.

Ҳамидулла МУРОДОВ

Ташкент вилояти



Ҳаёт кўзгуси

Савол: «Агар ҳаётимизда китоб яратилмаганда нима бўларди?» Яқинда танишларимдан бирининг «Китоб яратилмаганда, инсониятнинг аҳволи қандай кечарди?», «У инсонларни ҳамини таназзулдан сақлаб келган йўл кўрсатувчи маёқ эмасми?» қабилидаги фикрлари ўз-ўзимга савол беришга, жавоб излашга ундади. Йўқ, китобсиз умримиз тасаввур этолмас, унинг беқиёс кучисиз ожиз эканман.

Турмушимиз кундан кунга фаровонлашиб, техника кириб келмаган хонадон, уяли телефондан фойдаланмайдиган кимса ҳам. Қарангки, китоб, мутолаа машқ ҳам компьютер қурилмалари билан боғланиб, тобора электрон кўринишга «сингиб» бораётир. Бироқ китобни кўлда тутиб, варақлаб, ҳидини туйиб ўқиганга ҳеч нима етмайди. Яқинда ўқувчиларимдан бири «Евгений Онегин»ни электрон шаклда ўқийётганини кўриб, ўзим ҳам шеърӣ-романини шу шаклда ўқишга киришим. Бироз ўқидим, бундан бир неча йиллар аввал уни китоб ҳолида ўқиганимни эсладим. Барибир саҳифалари шигирлайдиган китоб бошқача-да...

Ўқув йилининг турли ойларида китобхонлик байрамлари муносабати билан мактабимизда «Мактаб — кутубхона — оила — жамоат ташкилотлари» хайри марафонини ўтказдик. Марафонда ҳар бир ўқувчи, ўқитувчи, тарбиячи, ота-она фаол қатнашиб, имкони етганча мактаб кутубхонасини бадиий адабиётлар билан бойитишга ҳисса қўшди. Натижала, кутубхона фонди жаҳон ва ўзбек адабиётининг энг сара асарлари билан тўлди. Ота-оналарнинг 44та «Адабиёт хрестоматияси» тўпламини туҳфа этишлари ўқувчилар учун ҳақиқий совға бўлди. Чин китобхон бор экан, китоблар, servaraq bilim манбалари сира йўқолмайди. Ахир, одам ҳаёт кўзгусига боқмас, қиёфасини унутиб қўяди-ку!

Маҳфуза РАСУЛОВА,

Учкўприк туманидаги 1-ИДУМИ ўқитувчиси

Эзгу ният

Гўзаллиқни ҳар ким турлича тушунади. Ким учундир ариқда шарқираб оқаётган сув, тандирда ловиллаб ёнаётган олов, лой-сувоқ том устида чўдек яшнаётган дола-қизғалдоқ, бошқа биров учун куёшнинг бо-тишию, қатор тош ҳайкалар гўзаллик манбаи бўлиб кўриниши, шу қаричда ўлчаши табиий. Асосийси, завқ олиш, кўнгилни қувнатиш. Уйлашимча, дунёдаги кўркам яратиларнинг шунчаки томошабини эмас, балки яратувчиси, ижодкори бўлиш анча-ин мароқли.

Юртимизда кўпгина иқтидорли, ноёб истеълод эгаларини, уларнинг ютуқ-интилишларини кузатиб, келажакимизнинг ишончли кўлларда эканлигини кўнгил тўлади. Ҳадемай баалоғат ёшига етадиган Республика расмийлик коллежи ўқувчиси Улуғбек Шавкатжоновни ҳам улар сафига қўшиш мумкин. Амалий графика услубидоғи ишлари, асарларини кўриб, Улуғбекнинг гўзаллик, нафислик ҳақидаги қарашлари кенглигига, хаёлотининг бойлигига амин бўласиз. Кўлидаги мўйқалам сеҳрлию, ўзи сеҳргармикан, деган иштибоҳ тугилади.

— Ҳаёт, илм-фан, санъатда чинакам йўл кўрсатувчи устозга йўлиқсангиз, энг катта бойлигингиз аслида шу, — дейди Улуғбек. — Устозим Светлана Абдуразоқова тасвирий санъатини жозибали, лекин машаққатли оламидаги сирларини ўргатаётганда толеим кулганидан, меҳрибон, ўрни келса, майда хатоларимгача кўрсатиб, дашином берадиган мураббийга учраганимдан қувонаман. Рангтасвирдан ташқари кино, режиссура санъати ҳам хаёлимни олган, кун келиб, тасвирлашга мойбўёқ кучи етмаган манзараларни кинокадрларга муҳрашимга ишонаман. Сизга дилимга туккан ниятимни айтмайми? Эҳтимол, уч-тўрт йил ё ундан ҳам қисқа фурсат ичида юртимизнинг бор чиройини акс эттирувчи туркум асарлар кўрғазмасини яратмоқчиман. Кейин ўша ишларим билан хориж кўрғазма залларини, санъат майдонларини забт этиш режам ҳам йўқ эмас. Яхши ният-а, нима дедингиз?

Санжарбек ҲАМИДОВ

Наманган вилояти

Китоб дўконларига тез-тез бориш, янги нашрларни кузатиш доимий одатим. Айниқса, болалар адабиёти бўлимини мириқиб айланман. Ранг-баранг, муқоваси бежирим, катта-кичик, сарлавлалар ҳам боладек чўғурлаб турган эртақ китоблар, шеърӣ тўпламларнинг ҳисоби йўқ. Ҳаммаси қорақўзларимиз, жажжи ширинтойларнинг камоли учун.

айтаётганида ролга киришар, эртак қаҳрамонларига тақлидан овозини ўзгартирар, гоҳи ҳўроз, бедана, гоҳида бўридек увиллаб, эчкидек титраб, яна тулкидек мулоийм, айёрона оҳангда сўзлар, бунга сари иштиёқимиз ошиб, такрор ва такрор эшитишдан чарчамасдик. Кузатсам, ота-оналар ўғил-қизига эртак китобларни асосан совға қилмоқда, со-

Эртаклар ўқиладимиз ёки...

Болалигимиздан эртаклар, чўпчагу ривоятлар ичида улғайганимиз, бобо-бувиларимизни сира тинчитмай, нуқул эртакчи-га айлантирганимизни эслаб, турли халқлар эртаклари, матал ва нақллари жамланган китобларни варақлайман. Лев Толстой айтганидек: «Ҳар кунни жаҳоннинг энг донишманд кишилари билан мулоқотда бўлишдан ортӣқ нима бор?».

Ҳа, китоб — жавоннинг файзигина эмас, инсоннинг дўсти ва сирдоши. Шу дамда яна бир масала ўйлантиради кишини. Бизлар эртакларни асосан момо-боларимиздан эшитардик. Сира ёдимдан чиқмайди, бобом эртак

тиб олиб бермоқда — бу яхши. Айтиб беришга келганда-чи?..

Тўғри, болаларга мўлжалланган ушбу китобларнинг ҳарфлари катта-катта, тез ва ифодали ўқишга қулай. Бу боланинг нуқта раволашиши, саводининг ошишида алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ эртаклар тинглансагина, тасаввур жонланади, бола хаёлотиди ўзгаришлар сезилади. Фарзандига эртак китоб олаётган ота-онага: «Эртак китоблари фақат ўқиш учун эмас, айтиб беришимиз учун ҳам мўлжалланган», дегим келаверилади.

Саида ИСОМУРОДОВА,
Янгибозор туманидаги
30-мактаб ўқитувчиси

Ноталар кулфини бузмаган шоғир



Дуторнинг таранг тортилган икки тори тингловчини не аҳволга солишини, юракларни жазиллатиб, куйдиришини унинг ошносигина билди. Бир-бири билан сира кесилмайдиган параллел торларнинг сиру сиуноатини ўрганаман, деб бел боғлаган созандаларнинг саноғи йўқ. Эҳтимол, уни ҳаваскор ҳам чалиши мумкин-ку, дерсиз. Ҳақсиз. Аммо дуторнинг тилини тушунадиган, моҳирона «куйлатадиган» чолғувчи кам. Чилонзор туманидаги 201-мактаб ўқитувчиси Наргиза Мансуровани таниган, билган, санъатидан завқланган борки, уни ҳақиқий созандалар қаторига қўшиши мумкин. Устози Тоир Исҳоқовнинг «Ноталар мисоли калит, уларсиз кулфни очишга минг уримна, фойдаси йўқ. Бураб-бураб ё калитни синдирисан ё кулфни бузасан», деган ўғитини ёлда маҳкам сақлаб, мусиқа дунёсига дадил кирган Наргиза ўз ишининг устасига айланди. Шоғирдлик даври тугаб, қарийб йигирма йилдан буён устоз мақомиди ҳам назарӣёт, ҳам амалиётнинг баробар тутиб келмоқда. «Дарс жараёнида ўқувчиларнинг ўзбек мумтоз мусиқа санъатига қизиқишини уйғотиш» мавзусидаги илмий изланишлар

ри 5–7-синф ўқувчиларининг му-сикадаги билимларини шакллан-тираётгани, «Ёш мақом-чилар» даста-сининг турли та-н-

лов, фес-тивал-ларда фаол иш-тирок этаёт-гани Наргиза Ман-сурованинڭ кўп йиллик меҳнати, заҳматлари ҳосиласи. Дарслари ҳам доимий, бир хил андозада эмас, машҳур созандалар уй-музейларига саёҳат, устоз-мураббийлар билан учрашувлар тарзидаги очиқ дарслар, мулоқотлар тез-тез ўтказилади, ўқувчилар ҳам кўп масалаларда ус-тозига суянадилар. Илмий изланиш-лари натижасида болаларни муси-қа қандай қизиқтириш, истеълод-лиларини аниқлаш, дарс сифатини яхшилаш каби муҳим муаммолар Наргизанинڭ тажрибаларида ечимини топиб бораётир.

Мафтун МИНГБОЕВА

Ташкент шаҳри

Саҳифани Чарос НИЗОМИДИНОВА тайёрлади.

Бир вақтлар физик олим Альберт Эйнштейн кун келиб техника тараққийоти натижасида одамлар дангаса бўлиб қолишини баҳорат қилганди. Дарҳақиқат, сунъий ақлга эга бўлган техник «дастёр»лар кейинги йилларда маиший турмушимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Айниқса, ривожланган давлатларда «темиртан»ларнинг қор кураб, ер тозалаб ёки бошқа кутқарув ишларида қатнашаётганини тўғрисида хабар топсак, бир томондан қувонамиз, иккинчи тарафдан эса айрим эҳтимолий оқибатларини ўйлаб дахшатга тушамиз.

1920 йилда чех ёзувчиси Карел Чапек асаридида илк бор қўллаган «робот» атамаси ахборот асрига келиб бутун тизим таърифига айланди. Яқин-яқинларгача фантастик асарлар ва бадиий фильмлар ёки мультфильмлардагина кўришга одатланганимиз — роботлар аста-секин реал воқеликка айланмоқда.

Тасаввур қилинг, робот эрталаб сизни уйғотади, мазали таомлар пишириб, нонушта дастурхонини тузайди ва

да мустақил ҳаракатланувчи темир мавжудотни 1927 йили олим Д.Уэклси яратган. Унинг ҳатто Нью-Йоркда ўтказилган халқро кўргазмада ўз иختиро-си билан қатнашиб, юксак эътирофга сазовор бўлгани ҳам бор гап. Шу тариқа робот ишлаб чиқариш саноати тараққий эта бошлади. Кейинчалик япон муҳандиси Хироса Исугиро биринчи одамсимон робот ишланмаси — «теминоид»лар устида бош қотириб кўрди. Улар реал инсонни эс-

жумушларини ҳам қойиллатиб бажариши мумкин. Бунинг устига, «темир дастёр»лар касал бўлмади, таътилга чиқмайди ёки дам олмади. Энг асосийси, роботлар қилган меҳнати учун маош берилмаганига нозирчи ҳам бўлмади. Балки

жайди. NASA ва «General Motors»нинг «Robonaut2» (R2) роботи ер орбитасини кезаётганига анча бўлди. R2 ЖКС ичида ҳам, очиқ фазода ҳам ишлай олади, унга скафандрнинг кераги йўқ. Кейинчалик R2 Ойга учиради, чунки бу




Bilasizmi?

лади, қурилма мустақил равишда чўкаётган одам ёнига боради ва уни қуруқликка олиб чиқади.

Энди нима бўлади?

Роботлар турмуш тарзимизга фаол араллашиб, ёрдамчи воситага айлангани камдек, яқинда Европа парламенти тижорий компанияларда ишлаётган «темир ишчи»ларни расман «электрон шахслар» дея юритиш таклифини илгари сурди. Фарб давлатлари яқин кунларда роботларнинг ҳақ-хўқуқ ва мажбуриятлари ифодаланган қонун ҳужжатини имзоласа ҳам ҳайрон қолмаймиз. Ҳатто йирик халқро сиёсий тадбирларда ҳам ушбу



Механик дунё аjoyиботлари

ишга отланганингизда илиқ сўзлар ҳамда табассум билан кузатиб кўяди. «Бўлиши мумкин эмас», дейишга шошилманг. Биласизми, биз писанд қилмаган ёки ишонмаган роботлар одамлар ўрнини эгаллаб бораётгани айни ҳақиқат. Масалан, нуфузли корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган «темир посбон»лар сабаб иш сифати ва самараси анча ошаётгани кузатиляпти. Хусусан, Жанубий Корея жибсонналарида тажриба сифатида кўриқчилик вазифаси роботларга юксатганига нима дейсиз? Асосан кечалари йўллар бўйлаб юривчи темир кўриқчилар шунчаки кузатишдан ташқари, маҳбусларнинг шубҳали ҳаракатларини видеотасмага ёзиб боради. Афсуски, механик дунё аjoyиботлари билан ҳамнафас бўлганимиз сари тобора эринчоққа айланаяпмиз.

Манбаларда «робот» чех тилидаги «робота» сўзидадан олинган бўлиб, «эрксиз ишчи» маъносини англатиши ёзилган. Роботлар аслида инсон ҳаёти учун хавфли шароитларда ишлаш, бориш қийин бўлган объектларга кириш функциясини қисман ёки тўлиқ бажарувчи машина сифатида яратилган. «Темиртан»лар хотирасига киритилган дастур асосида ташқи олам ҳақида ахборот олади ва оддий ёки мураккаб операцияларни бажаради.

Энг қизиги, одамзот роботага ўхшаш «дастёр»ни жуда қадимдан орзу қилиб келади ва бу борада тарихда ҳам қатор уринишлар бўлган. Бунини машҳур рассом Леонардо да Винчи XV асрдаёқ ўз чизмаларида илк робот шаклини акс эттирганидан ҳам билиш мумкин. Унинг 1950 йили топилган кўлёмаларида бирида оёқ-қўллари эркин ҳаракатлантирадиган, бош қимирлатиб, ўзи ҳаракатланадиган механик роботни тасвирлагани аён бўлди. Бироқ робот одам фақат кўлёмаларда қилиб кетгани ёки да Винчи ё шогирдлари уни ҳақиқатан рўёбга чиқарганими, деган саволнинг жавоби сирлилигича қолмоқда. Оператор буйруғи ёрдами-

латувчи кўриниши, жозибадор овози ва юз ифодалари билан дунёни лол қолдирди. Шунингдек, олим масофадан туриб бошқариладиган робот яратишга интилиб, икки томида сувдек ўзига ўхшаш роботни, салкам эгизагини ясади. Исугиро роботнинг чиндан ҳам ўзига ўхшгани ёки ўхшаганини синаш мақсадида ўзи ишлаётган олиқ ўкув юртида талабаларга маъруза ўқиш учун жўнатади. Эътиборлиси, тажриба шу даражада омадли чиқадики, бино қоравулари ўқутувчилар ва ҳатто талабалар ҳам бу Исугиро эмас, балки муаллимнинг «темир нуқсаси» эканини ажратолмади.

Эндиликда кўчкар юрт вакиллари роботларнинг нафақат ташқи қимёсаси, балки қош-қўзлари ҳаракатини ҳам одамларга ўхшатиб ясашга уринмоқда. Масалан, Токио университетидида яратилган «Kobian» роботи ана шундай механик аjoyиботлардан бири. Бугун япон мухтаассисларнинг электроника ва робототехнология соҳасида эришган ютуқлари беҳисоб. Шу боисми, фан оламида Япония — роботлар ватани, деб аталади. Агар 2004 йилда давлат бюджетидан мазкур соҳага 3,1 млрд иен ажратилган бўлса, 2010 йилда 2,14 трлн иен, яъни 20 млрд АҚШ доллари микдоридида маблағ сарфланди. Шунга яраша мамлакат олимларининг серқирра изланишлари ва кашфиётлари кўп йиллардан бери дунёни лол қолдирапти. Ҳатто робототехника экспортидан давлат газнасига сезиларли маблағ ҳам келиб тушмоқда.

Роботлар асрига хуш келибсиз!

Олимлар И.Макаров ва Ю.Топчев ҳаммуаллифликда ёзган «Робототехника ва келажак истиқболлари» китобида одамларнинг робота бўлган талаби қунайиши омиллари изланган. Хусусан, роботлар йиғирма тўрт соат давомида узлуксиз мураккаб операциялардан тортиб оддий уй

вақти-вақти билан техник кўриқдан ўтказиб турсангиз кифоя. Шу боис ҳам роботлар бугун биз билан ёнма-ён туриб, иш самарадорлигини оширишга кўмаклашяпти.

Футурологларнинг тахминича, яқин йилларда роботлар ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланади. Уларнинг кўчаларини тозалаб, осмонўпар бинолар кураётганига кўп бор гувоҳ бўламиз. Робот дўстларимиз тобора ривожланиб, тақомиллашиб бораверади. Жумладан, япон олимлари яратган Асимо роботи худди билимларга лиммо-лим энциклопедиянинг ўзини. Робот Токио технологиялар музейига таширбуйорган меҳмонларни японларга хос тавозе ва табассум билан қарши олиб, мозийгоҳдаги барча экспонатлар билан раван тилда, адашмай, тугиллиб қолмай ва эринмай таништиради.

Ҳитойнинг Ҳарбин шаҳрида ошпазларидан тортиб официантларигача ташқи кўриниши инсонга ўхшаш роботлардан иборат ресторон фаолият кўрсатади. Бу ерда одамлар ҳам меҳнат қилади, албатта. Улар фақат айрим таомларни, аниқроғи, меҳр билан тайёрланиши лозим бўлган таомларни пиширишга жалб этилади. Оддий оқватлар, дамламаларни «қўли ширин» роботлар дўндиради.

Роботлар энди коинотда ҳам бор

Албатта, роботлар космонавтлар ўрнини эгаллай олмади, лекин станциядаги «қора иш»ларни бемалол бажаради. Бу эса мухтаассисларнинг муҳим миссияларни амалга оширишда вақтини те-

хавфсиз ва анча арзон йўлдир.

Роботлар фақат космонавтика эмас, балки тиббиёт, технология ва кутқарув хизмати соҳаларида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Ёдингида бор, Африкада тарқалган Эбола вируси минглаб инсонларни ҳаётдан олиб кетди. У чиндан ҳам жуда беаёв ўлат эди. Аммо ака-ука Жеф ва Дил иختиро қилган «Tru-D» аппарати ёрдамида мазкур вируснинг бутун дунё бўйлаб тарқалиш хавфи бартараф этилди. Мослама хонадаги кўз илгамас «душман»лар — бактерия ва вирусларни аниқлаб, йўқ қилади. Ҳозирги кунда жаҳоннинг 300дан ортиқ шифохоналарида шу аппаратдан энг самарали санитар восита сифатида фойдаланилмоқда.

«Secom» компанияси ишлаб чиқарган «кўриқчи робот» ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтиш мумкин. У нафақат ўзи муҳофаза қилаётган ҳудудни назорат қилади, балки давлат корхонасига кириб чиқаётган одамлар ва машиналарни яширликча суратга олади. Шунингдек, тасвирларни ўз хотирасида сақлаб, жиноятчиларни фоти этишга кўмаклашяпти. Мазкур технологияда бинадаги одамларни биометрик суратга олиш хусусияти борлиги стратегик объектларни самарали муҳофаза қилишда кўл келмоқда.

Ҳозир инсонлар ҳаётига хавф солаётган табиий офатлар — ўрмон ёнғинлари, сув тошқинлари, қурғоқчилик ёки бошқа муаммоларни бартараф этишда ҳам роботларнинг энг яқин кўмакчига айланаётгани қувонарлидир. Робот мушкул аҳволга тушган одамларга фавқуллода ҳолатларда биринчи ёрдамни кўрсатиб, ҳаётини сақлаб қолади. Бундан бир неча ой муқаддам «Emily» кутқарувчи роботи Ўрта ер денгизидида ҳалокатга ураб, сал қолса чўкиб кетаётган 300дан ортиқ қочоқларни кутқарди. Мазкур роботнинг бўйи атмиги 1 метру 22 см, оғирлиги эса 11 килограмм бўлгани эътиборлидир. У масофадан туриб бошқарилади. Робот жилет шаклида бўлиб, ёрдамга муҳтож одамга томон йўналтири-

масала тез-тез тилга олиниб, муҳожама этилмоқда.

Роботлар билан боғлиқ муносабатларга танқидий ёндашётган мамлакатлар ҳам бор. Улар робототехнологияларини ҳаётга жорий этиш масаласига ўз қонунларида ҳам эътибор қаратмоқда. Хусусан, Жанубий Кореяда «Роботлар учун ахлоқий меъёрлар низоми» қабул қилиниб, бу билан одамлар ва роботлар ўртасидаги муносабатларни ягона тизимга солиш мақсад қилинган. Худди шунингдек, АҚШ жаҳон илмий ҳамjamiyatини манший ва харбий роботлар фаолиятини муқобиллаштирувчи «Роботлар ахлоқий кодекси»ни ишлаб чиқишга чорламоқда.

Робот барибир одам эмас!

Юксак ақл-идрок соҳиби бўлган олимларнинг миллионлаб сый-ҳаракати, тажрибаларига қарамай, роботлар инсон осонгина бажарадиган оддий касбларни ҳам мукамал эгаллагани йўқ. Тўғри, «темиртан»лардан аjoyиб кўриқчи, тозаловчи, кир ювувчи ва ҳатто моҳир тўпура ҳам чиққандир, лекин улар ижодий маҳорат, ҳис-туйғу, интуиция ва истеъдод талаб этиладиган касбларда ҳеч қачон инсон даражасига қўтарила олмади. Бу роботлар психолог, шоир, бастакор, актёр ёки хонада бўлолмайди, дегани. Чунки улар илҳомланмайди, тафаккур ва юрак ўғинчилигиди дурдона асар ёки симфония ёзолмайди. Ачинарлиси, дунё аҳолисининг жуда кам қисми мазкур соҳалар билан ўз ҳаётини боғлаган. Аксарият жабҳаларда, қишлоқ хўжалигини тортиб, саноатга қараб роботлар бемалол инсонлар ўрнини эгаллашга қодир. Шундай бўлса-да, мазкур ҳолатдан фолжа яшас керак эмас. Чунки роботлар яратилишининг жадаллашуви одамларнинг ишсиз қолиши эмас, аксинча янги фаолият турлари пайдо бўлиши, иш ўринлари ажратилишини билдиради.

Одина ҚУЛМУРОВА тайёрлади.

2016-yil 9-iyul, № 55 (8912)

Ифлосланган ҳаво буйракни касал қилади

Хитойлик олимлар мегаполислар ва sanoatlashgan шаҳарларнинг ифлосланган ҳавоси кишиларда буйрак иммун тизими билан боғлиқ хасталикларга сабаб бўлаётганини аниқлади.

“MedVesti” манбасида келтирилишича, мутахассислар бунга ишонч ҳосил қилиш ва илмий ҳулоса чиқариш учун 938та шифохонада даволанаётган 72 минг бемор буйраги биопсияси

таҳлилини ўрганиб чиқди. Бунда Хитойнинг тобора ифлосланиб бораётган экологияси аҳоли саломатлиги учун салбий таъсир қилаётгани маълум бўлди. Тадқиқотлар натижасида sanoat шаҳарлари ва аҳоли zich яшайдиган бошқа ҳудудларда мембрана нефропатияси ривожланиб бораётгани аниқланди.

Аутоиммун хусусиятга эга бўлган мазкур касаллик аста-секинлик билан буйрак фаолиятига салбий таъсир этиб, буйрак етишмовчилигини юзга келтириши мумкин. Ҳар йили мамлакат аҳолисининг 13 фоизи мембрана нефропатияси хасталиги сабаб дунёдан кўз юмади. Ҳавоси турли газлар билан заҳарланган ҳудудларда ўлим ҳолати кўпроқ кузатилади.

Соч толаси ўлчамидagi линзалар

Германиялик муҳандислар 3D принтер ёрдамида соч толаси қалинлигидаги линзаларни ихтиро қилди, деб ёзди “Nature Photonics”. Мазкур ихтиро кузатув камераларининг янги авлодини яратишда жуда кўл келиши мумкин.

Сўнгги йилларда сифатли маҳсулотга бўлган эҳтиёж, кўлбола линзалар яратилаётгани ва уларнинг ўлчамлари тобора ихчамлашиб бораётгани сабабли камера ҳамда бошқа оптик тизимлар ихтиросига бўлган талаб ортган. Лазер нури ёрдамида бошқариладиган технологиялар, хусусан, сув томчиси ёрдамида суяқ линза, плазмон резонаторлар ва иссиқ плазмалардан эса нанопуфаклар яратилиши ҳам соҳада катта ўзгариш ясади.

Германиянинг Штутгарт университети ходими Тимо Гиссильб бошчилигидаги илмий гуруҳ мазкур муаммоларнинг барчасига ечим топди. Яъни, улар 3D (уч ўлчамли) принтер ёрдамида линзаларни исталган шакл ва ўлчамда chop этиши мумкинлигини исботлади. Линза диаметри 120 микрометр, қалинлиги эса 100 микрометрини ташкил этади.

Линзаларни ишлаб чиқаришда махсус хомашёдан тайёрланган ойнаванд ҳимоя воситаларидан фойдаланилди. У лазер нури орқали ойна ва полимер қатламлари буғланишига тўсқинлик қилади. Шундан сўнг фемтосекунд импульсга эга кучли лазер орқали унга ишлов берилади. Кейин янгидан “ҳимоя бўёғи” берилиб, жараён то лазер тайёр ҳолатга келгунча давом эттирилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, битта микролинзани тайёрлаш учун бир неча соат кифоя қилади. Бу эса оптик қурилмалар яратишнинг аввалиги методларидан анча самарали.



Мумтоз мусиқа дардга даво

Бохум университети олимлари мумтоз мусиқаларни тинглаш орқали юрак мушакларига таъсир ўтказиши мумкинлигини аниқлади, деб маълум қилади “DNA India”.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида бастакор Моцарт яратган мусиқий асарларни тинглаш



артериал қон босимни тушириши, Штраус басталаган куйлар эса пульс частотасини ва стресс биомаркерларини камайтириши аниқланди. Мазкур тадқиқотта 120 нафар кўнгилли жалб этилди. Биринчи гуруҳдаги инсонлар очиқ ҳавода, иккинчи гуруҳ вакиллари эса шовқинсиз хонада мумтоз мусиқалардан баҳраманд бўлди. Биринчи гуруҳ иштирокчилари учта кичик гуруҳга бўлиниб, Моцарт, Штраус ва поп йўналишида ижод қилган “ABBA” гуруҳи асарларини эшитди.

Тажиба яқинида илк кичик гуруҳдаги иштирокчиларнинг артериал қон босими, пульс частотаси ва стресс гормони, яъни кортизол миқдори ўзгаргани қайд этилди. Иккинчи кичик гуруҳдан олинган натижалар ҳам биринчиси каби ижобий эди. Афуски, поп йўналишидаги мусиқаларни тинглаган кишиларда бундай ўзгаришлар кузатилмади. Олимлар яна бир бор руҳий хотиржамликка эришиш учун кўпроқ мумтоз куйларни тинглаш керак, деган ҳулосага келди.

Ўй бекаларига тайёр дастёр

Роботтехникага ихтисослашган “Boston Dynamics” компанияси ўй шаларига кўмаклашувчи «BigDog» номли робот ихтиро қилди, деб ёзди “HiNews”да.

Мазкур қурилма оғирлиги тахминан 30 килограмм. Улар хонадон бекаларига ўй юмушларини бажаришда ёрдам беради. Компания ходимлари роботни ихтиро қилишда одатий гидравликлардан эмас, балки электр ўтказгичлардан фойдаланди. Натижада тўлиқ қувватланган “BigDog”лар соҳибаларига 90 даққа давомиде беминнат хизмат қиладиган бўлди. Хусусан, уйда ҳаракатланиши, чиқиндиларни териши ва ювиладиган идишларни ошхонага элтиб бериши мумкин. Роботга ўрнатилган сенсор мосламалар ёрдамида унинг ҳаракати назорат қилинади.



Қурилманинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, у зинапоядан чиқиб-туша олади. “BigDog” тасодифан йиқилиб кетса, бировнинг кўмагисиз мустақил оёққа туриб, ҳаракатини давом эттиради. Тана қисми турли вазиятларга мослашувчанлиги сабабли эмаклаши, бошини чап ва ўнгга буриши, тўсиқларга дуч келганда четлаб ўтиши мумкин.

Ҳақида УСМОНОВА тайёрлади.

“Халқ таълими” илмий-методик ва “Халқ таълими ахборотномаси” журналлари таҳририяти журналнинг бош муҳаррири Сарвар Маҳмудовга падари бузруквори

Ўйлодош отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсдор этади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ

2016 йил 11 август куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказди!

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Юнусобод» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Дархон» маҳалласида жойлашган, «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент Қоғоз фабрикаси балансидagi 2002 й. и/ч, д/р 01/575 НВА, бошланғич нархи 12 012 237 сўм бўлган «Дамас»; Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-уйда жойлашган, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали балансидagi, Паркент ТК боғламасига бириктирилган 1989 й. и/ч, д/р 10/132 МАА, бошланғич нархи 5 883 000 сўм бўлган «ГАЗ-5312», Ғазалкент ТК боғламасига бириктирилган 1990 й. и/ч, д/р 10/949 САА, бошланғич нархи 5 984 000 сўм бўлган «ГАЗ-5312» русумли автоматотранспорт воситалари ҳамда Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 1-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансидagi 2007 й. и/ч, ҳар бирининг бошланғич нархи 6 700 000 сўмдан, завод рақамлари № СЛО 5093, № СЛО5094 ва № СЛО 5095 бўлган 3та «ПП-427» русумли пассажир лифтлари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чик-

қан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидagi ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўзилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдagi ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиб билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темир шохкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2016 йил 30 июнь ва 7 июль кунлари ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар Республика илмий-методика маркази балансидagi д/р 01/299 КВА бўлган «ГАЗ-3110» — 2 900 000 сўмга; «Ўзбекистон» халқаро тантаналар саройи биноси ва атрофидagi ҳудудидан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган дирекция балансидagi д/р 01/237 ЕЕА бўлган «Нексия СОНС» — 23 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Малоҳатхон — муаллима. У ҳар тонгни яхши ният, эзгу умидлар билан қарши олади. Янги кунни инсонга берилган янги имкон, деб билади. Шу тўфайли уни бесамар ўтказмасликка астойдил интилади. Уфқдан бош кўтарайтган қуёш ўз нурлари теграсида мисоли бахт ва омад тортиқ этишга шайланаётгандек, муаллима умидбахш ўйлар оғушида йўналишли таксига чиқди.

— Ассалому алайкум!
— Эшикни яхшироқ ёпсангизчи, — ҳайдовчининг аввалбошдан саломга алиги шу бўлди. — Эрталаб нон-пон еганмисиз?

Бундай кўрс муомаладан муаллиманинг руҳи тушиб кетди. Бошқа йўловчилар ёнида изза бўлгандек юзлари қизарди. Ўзини чалғитиш учун ойнадан узоқ-узоқларга қараганча хаёлга чўмди. Йўлқирани тўлаш ҳам хотирасидан кўтарилди. Бир пайт машина шахт билан тўхтаб, ҳамма қалқиб тушди.

— Ким тўламади? — шофёр йўловчиларга бош ўгириб ўдагайлади. Улар эса шубҳада бири-бирига қарашди. Гап нимада эканини мана энди англаган муаллима: "Вой, кечирасиз" деб сумкасига қўл солди. Шошиб пул узатди.

— Боядан бери сўрайман, нега индамайсиз? — шофёр пулни юлиб олди.

— Узр, хаёл билан... — хижолат тортиди муаллима, — эшитмабман.

— Хаёл билан... эмиш, — сезилар-сезилмас пичирлади йўловчи хотинлардан бири.

— Йўл ҳақини тўлагандан сўнг суравер ўша хаёлни, — орқа томондан ўрта ёшлардаги яна бир хотиннинг кесатиғи аниқ-тиниқ эшитилди. Муаллима аччиқ бир нима томоғини куйдириб ўтаётгандек ютиниб, "кечирасизлар" деди. Ўзи эса манзилга етмаёқ тушиб қолди. Ел-

дек учиб бораётган машинани ортидан дилгир кузатиб қоларкан, таниш бир овоздан чўчиб тушди:

— Ие, Малоҳат? — қараса, узоқроқ қариндоши. — Ишга кетаяпсанми?

— Ўзингиз бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

— Адвокатнинг ёнига, — қуруққина жавоб қилди қариндош.

— Ҳаммаси жойидами, ишқилиб?

— Сўрама! Шу десанг, яқинда қайнонам вафот этдию, маъракалари ўтиб-ўтмай можаро

Э Р Т А Т А...

бошланди. Ҳовлининг ярмига катта қайноғам даъвогар чиқиб қолди. Нима эмиш, оиланинг тўнғичи бўлгани учун уйга тўла ҳақлимиш.

— Ахир шаҳарда ҳовли-жойи бор эмасмиди? — Малоҳат ҳайронсирлади.

— Э қариндош, айтасан-қўясан-да, ҳозир уй-жойинг қанча кўп бўлса, шунча кам.

— Ҳўш, энди нима қилмоқчисизлар?

— Худди ана шунинг учун ҳам адвокатнинг ёнига бораялманда. Ўзимизга тегишлисини даъво қиламиз. Биз ҳам оғзидаги ошини бировларга бериб қўядиганлардан эмасмиз...

— Қўйсангиз-чи, опа, ўзингизга галва сотиб олганингиз қолади, — уни фикридан қайтармоқчи бўлди Малоҳат. — Ахир сизнинг ҳам уй-жойингиз йўқ эмас, эр-хотин даромадингиз яхши. Кўрганлар нима дейди, эшитганлар-чи? Ака-укачилик шу бўптида демайдимиз?

— Ҳечам-да, керак бўлса, судлашаман. Лекин ўз ҳақимни бериб қўймайман. Анойиси-

ни топибди, қараб турсин...

Малоҳатнинг шундоғам симилаётган вужудида баттар оғриқ турди. Узоқ қариндоши билан хайрлашаркан, ланж сезди ўзини. "Эҳ", деб бош чайқаб қўйди.

Бу дилхиралликлар кун бўйи муаллиманинг кайфиятига таъсир кўрсатди. Шу сафар дарсларидан кўнгли тўлмади. Орада эса директор чақиртириб, маслаҳат солган бўлди:

— Малоҳатхон, биласиз, яқинда 2-"А"нинг раҳбари Салима декретга чиқади. Унинг ўрнига

синф раҳбарликка кимни қўйсак экан? Ҳар ҳолда, масъулсиз, буни ким уддалашини мендан кўра яхшироқ биласиз.

— Меҳринисо! Ёш бўлишига қарамай, ўта тиришқоқ. Энг муҳими, масъулиятли. Унинг дарсларини анчадан кузатиб юрман.

— Жуда соз, — директор муаллиманинг фикрини маъқуллади.

Малоҳат ўқитувчилар хонасига кирганида, бу хабар аллақачон тарқаб улгурган экан.

— Ҳамманинг ҳам таниш-билиши бўлсин экан-да, — айнан Малоҳатнинг келишини кутиб тургандай овозини баландлатиб гап илди ўқитувчилардан бири.

— Биз экан-да ишлайверган. Ўқитувчиликнинг "ў" ҳарфини билмайдиган баъзи бировларга кунимиз қопти-да, ўргилай. Ахир хушомадгўйликни билмасак, айб биздами?

Малоҳат гап нимада эканини энди фаҳмлади.

— Тўғри, опа, тажрибангизга ишонамиз. Биз фақат... ёшларга ҳам имкон берсак деган ниятда...

— Ким имкон берманг деяпти, имкон беринг, аммо бутун синфни эмас-да! Синф раҳбарлиги учун катта тажриба керак, ўргилай. Бунингиз бўлса...

Малоҳатнинг қулоғи шангиллай бошлади. Камига уйга қайтаётиб икки қўшни аёлнинг жанжали устидан чиқди.

— Ниманга бунча гердаясан, — тўнғилларди улардан бири.

— Кўлингдан келса, сен ҳам гердай, — гапдан қолмади иккинчиси.

— Ўзингга оро бергандан кўра, болангга тузукроқ тарбия бер.

— Шу гапни ҳамма айтсаям сен айтма. Ўзингга бўлмагач, болангга қаёқдан бўлсин тарбия!

Жанжал нимадан чиқди, қачон бундай тус олиб улгурди — Малоҳат булар ҳақида ўйлаб юраги увушди. Ён қўшни — жон қўшилларнинг бундай аҳволини кўриб бир ажабланса, бир куюнди. Ахир уларни ҳаммиша қўли кўксига, табассум билан учратган.

— Ўзи жанжал нимадан чиқди? — сўради у маҳалла кайвонисидан.

— Э-эй, арзирли сабабнинг ўзи йўқку-я. Бунисининг боласини унисининг боласига мушт туширибдими-ей, урибдими-ей... Бола барибир бола-да: бугун уришса, эртага ярашади. Лекин кап-катта мана бу икки хотиннинг кўчани бошига қийиб жанжаллашиб ўтириши... Ярим сотатлар бўлдиёв, тўхтамади, тўхтатиб ҳам бўлмади. Қани бизга қулоқ солса...

Малоҳат уфққа бош қўяётган қуёшга тикилди. Назарида у ўз бахтини кўлдан бой бераётган одамларга чин дилдан ачинаётгандек. "Бугун ўзи шундай кун экан-да, эртага тонг отсин, ҳаммаси яхши бўлади", деди ичиди.

Ирода ОРИПОВА

Кутубхоналар кутиб қолмасин!

Бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, энг чекка жойларида ҳам ёшларнинг дам олиши, маданий ҳордиқ қичариши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кутубхоналар, музейлар, театр ва кинозаллар, истироҳат боғлари ва бошқа дам олиш масканлари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ шунинг баробарида мисоли оқга нисбатан қора, яхшига нисбатан ёмон маъно касб этганидек, турли дискотека, тунги клуб ва барлар, қаҳвахоналарнинг ҳам сони ортиб бораётгани ёлғон эмас. Бугун "оммавий маданият" ниқоби остида кўриниш бераётган иллатлар кўп ҳолда ана шу "дам олиш" масканлари воситасида ёшлар саломатлиги, онгу шуурига салбий таъсир кўрсатаётир.

Авалло, соғлиқ ҳамма нарсадан устун. Жисмоний соғлом кишининг иродаси қанчалик мустаҳкам бўлса, маънавий соғлом одамнинг фикри шунчалар тиниқ, азми қатъий бўлади. Жисмоний ва маънавий соғлом инсонни енгиб бўлмайди. Энди айтинг, дискотека ва барларни кўнгилочар жой сифатида тушунаётган, ўз ҳисларини ёшиққа йўйиб, шунинг билангина "қилиқ"ларини оқлаётган тенгдошларим таъб хушла-

мас ҳолатларни ўзига қандай раво кўраётир?! Инсон руҳий оламини муסיқа ва санъат орқали кириб бориш, таъсир ўтказиш мумкин эканини инобатга олсак, тунги клуб ва дискотекалар фаолиятини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Негаки, уларда санъат эмас, санаот важида "кун кўриш" истаги етакчи. Ҳис-туйғуларни гўё тарикдек сочиб юбораётган узоқ-юлуқ кўшиқлар, яланғоч клиплар ва шу каби алламбало тинфир-



Fikr

тинфирлар, сўзсиз, миллат маънавиятини айни-тишга қаратилган ахбори хуружлардир. Зотан, Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаб ўтганидек, "...Агар инсоннинг қулоғи енгилелпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадий диди, муסיқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас".

Тўғри, одамларнинг дам олиш ҳуқуқини чеклаб қўя олмаймиз. Фақат... назаримда, дискотека, бар ва кафеларнинг иш фаолиятини назорат қилишни кучайтириш зарур. Улар муайян маънода таълим жараёнига салбий таъсир



кўрсатиб, кўп ҳолда ўқувчиларнинг китоб ўқишга иштиёқини сусайтирмоқда. Гарчи кутубхоналаримиз мутлола завқини кўнглида аллақачон туйиб улгурган ўғил-қизлар билан тўла. Шунга қарамай, юқоридаги аҳволни ҳам инкор этиш қийин. Бу борада, эҳтимол, жаҳон тажрибаси билан ўртоқлашиш мумкин. Яъни, хорижий мамла-

катларнинг аксарига кутубхоналар кун-у тун ишлайди. Бўш вақтини мазмунли ўтказиш деганда нукул ўйин-кулгунни тушунадиган айрим тенгдошларимга қарата демоқчи-манки, "Дўстлар, кутубхонага ошиқайлик. Китоблар бизни кутиб қолмасин!"

Гавҳарой БОЗОРОВА,
Тошкент кимё-технология
институтини талабаси

Туман босқичи давом этмоқда

Мақтаб ўқувчиларининг таътил мавсумига мазмун бағишлаган «Ёз-2016» спорт мусобақалари қизгин тус олмақда. Унта спорт тури бўйича ўзаро беллашаётган ўқувчилар ҳамда жамоалар орасидан вилоят босқичи иштирокчилари номи аниқланаяпти. Қизиқарли ўтаётган мусобақанинг ҳар бир спорт турида кечаяётган курашлар иқтидорли спортчиларнинг ўз имкониятини рўёбга чиқаришида айни муддао бўлаяпти.

Самарқанд вилоятида ҳам беллашувнинг туман (шаҳар) босқичи ўйинлари давом этмоқда. Жомбой туманида ҳам «Ёз-2016» спорт мусобақалари мактаб ўқувчиларини қувонтирди. Жомбой болалар ва ўсмирлар спорт мактабида волейбол мусобақаси ана шундай кўтаринки руҳда ўтди.

— Ўқувчиларнинг ёзги таътилдаги вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган спорт мусобақалари нafaқат спортсеवार ўқувчилар, балки ота-оналарга ҳам маъқул келмоқда, — деди мусобақа

бош ҳақами Аҳмад Одилов. — Спорт билан шугулланиш ва ютуққа эришиш учун мунтазам машғулотлар ўтказиш талаб қилинади. Турли «танаффус»лар эса спортчини дангаса қилиб қўяди. Шу маънода, бўлғуси спортчиларни доимий ҳаракатга чорлаш ва чинқотириб боришда ушбу мусобақалар айни муддао бўлмоқда. Чунки таътил мавсумида ҳам ўқувчилар спорт машғулотларидан узилиб қолмай, ўз устида ишлаяпти, муваффақият сари интиляяпти.

Йигирмадан ортиқ жа-

«Yoz - 2016»

моа иштирок этган волейбол мусобақаси кутилганидан ҳам қизгин ва мурасиз кечди. Якунда Жомбой туманидаги 25-умумтаълим мактабининг ўғил болалар ҳамда қизлар жамоаси 1-ўринни кўлга киритиб, вилоят босқичи йўлланмасига эга бўлди.

Мусобақанинг бошқа спорт турлари бўйича беллашувлар ҳам курашларга бой ўтмоқда. Ўқувчиларнинг таътил мавсумини мазмунли ўтказиш мақсадида ўтказилаётган мусобақаларнинг туман(шаҳар) босқичи 15 июлга қадар давом этади. Вилоят босқичи эса 1 август куни бошланади.

Ҳақим Жўраев,
«Ma'rifat» мухбири

Францияда давом этаётган футбол бўйича кўнра чемпионати финалчилари номи маълум: Португалия ва мезбон терма жамоа. Илк ярим финал учрашувида португаллар мусобақа кашфиёти бўлган Уэльс терма жамоасини енгган бўлса, иккинчи баҳсда «хўрозлар» амалдаги жаҳон чемпиони — «немец машинаси»ни тўхтатишининг уддасидан чиқди.



Эртага янги чемпион аниқланади

Ҳар икки учрашувда ҳам бир хил — 2:0 ҳисоби қайд этилди. Португаллардан Криштиану Роналду ҳамда Нани уэльсликлар дарвозабонини ранжитган бўлса, французлардан Антуан Гризмани дублга эришиб, М.Нойернинг ҳафсаласини пир қилди. Айтиш жоизки, иккала ярим финал матчида ҳам мухлислар бир-биридан ҳаяжонли ва шиддатли ўйинларга гувоҳ бўлди. Гарчи мағлуб жамоаларга гол киритиш насиб қилмаган бўлса-да, ҳавфли вазиятлар яратиш борасида голиблардан қолишмади. Уэльсликлардан Г.Бэйл, А.Рэмзи, немислардан Швайнштайгер, Т.Мюллер, Дракслер, Кросс каби етакчиларнинг барча уриниши бесамар кетди. Аксинча, ўтган мавсумни кўтаринки руҳда ўтказган Мадрид клублари вакиллари — Роналду ва Гризмани учрашувларнинг «энг яхши ўйинчи»лари бўлди. Дарвоқе, бу икки юлдуз яқиндагина Европа чемпионлари лигаси финалида ҳам учрашганди. Ушанда «Реал» клуби «Атлетико»ни енганди. Кўрамиз, терма жамоалар қарама-қаршилигида Гризманига омад кулиб бокармикан?..

Шунингдек, Франция ва Германия терма жамоалари учрашуви томошабин жалб этиш борасида 2006 йилда қайд этилган рекорд натижани такрорлади. «Франс Пресс» агентлиги «Медиаметри» компанияси маълумотларига асосланиб ўйинни 19,2 млн нафар томошабин кузатганини қайд этди. Бу Франциядаги томошабинлар аудиториясининг 68,8 фоизини ташкил этади. Охириги марта 2006 йилги жаҳон чемпионати финалини (Италия ва Франция) шунча одам кузатган экан.

Энди Сен-Дени шаҳарчасидаги «Стад де Франс» стадионида ўтадиган финал учрашуви хусусида тўхталамиз. «L'Equipe» нашрида келтирилишича, ҳал қилувчи матчида португаллардан Пепе майдонга тушолмаслиги мумкин. Бу француз ҳужумчиларига рақиб жарима майдончаси яқинида эркинроқ ҳаракатланишга замин яратса, ажаб эмас.

Масъулятли баҳсни англиялик ФИФА рефериси

Марк Клаттенбург бошқариши маълум бўлди. Бинобарин, агар финалга уэльсликлар чиққанида финал Виктор Кашшаига топширилари.

Кўпчиликни Португалия ва Франция терма жамоалари ўртасидаги тарихий тўқнашувлар натижалари қизиқтиради. Қизиги, ушбу жамоалар 1978 йилдан то 2015 йилга қадар ўзаро 10та ўйин ўтказган бўлса, уларнинг барчасида французларнинг қўли банд келган. 10 июлдан 11 июлга ўтар кечаси, Тошкент вақти билан тунги соат 00.00да бошланадиган навбатдаги матчи мазкур аъна бузилиши ёки давом этиши мумкин.

Келинг, энди финалчи терма жамоалар етакчиларининг ҳал қилувчи ўйин арасидаги фикрлари билан ўртоқлашсак. «AS» нашрида келтирилишича, португаллар ҳужумчиси Криштиану Роналду фақат иқтидорнинг ўзи муваффақият учун камлик қилиши ҳақида тўхталган: «Мен ҳамиша энг зўр футболчи эканимни исботлашга интиланман. Бунинг учун маъсуман даражада куч сарфлайман. Истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Қолаверса, иқтидор кўпчиликда бор. Меҳнатсеварлик, ўз устида ишлаш эса кўплик вазиятларга тайёрлайди. Босим остида ўйнаш мени кучлироқ қилади ва мен буни англаб етганман».

Франция терма жамоаси дарвозабони Уго Льорис финал учрашуви ҳақида фикр билдирди: «Энг муҳими, финалга чиқдик. Германия жуда кучли рақиб эди. Биз эса ўз ўйинимизни наномайш этдик ва галаба қозондик. Шу тарихи давом этишимиз лозим. Финалда бизни португалларга қарши янада қизиқарли баҳс кутмоқда».

«ТАСС» манбасида эса француз ҳужумчиси Антуан Гризмани фикрлари келтирилган: «Орауларимиз фақатгина 10 июль куни амалда келтирилишича, ҳал қилувчи матчида португаллардан Пепе майдонга тушолмаслиги мумкин. Бу француз ҳужумчиларига рақиб жарима майдончаси яқинида эркинроқ ҳаракатланишга замин яратса, ажаб эмас.

Зоҳиджон ХОЛОВ

Истиқлол куёшидан куч олган ниҳоллар

Кундан кунга оммавийлашиб бораётган спортнинг шахмат тури ўз жозибаси билан кексаю ёшни бирдек жалб этаёттир. «Ақл гимнастикаси» билан мунтазам шугулланиш навқирон авлоднинг камол топишига хизмат қилиши шубҳасиз. Мустақил юртимизнинг 200дан зиёд давлатлар ичида ўз жаҳон чемпионига эга бўлган унта мамлакат орасида борлиги ҳам, айни соҳадаги салоҳиятимизни, имкониятларимизни кўрсатиб турибди.



йили Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида фаол иштирок этиб қайтди.

— Шахматга меҳр кўйишимда отамнинг таъсири катта, — дейди Мафтуна Бобомуродова. — Ота-онам мени шахмат тўғралиги олиб боришган. Ҳозир шахмат бўйича ихтисослаштирилган Республика болалар ва ўсмирлар спорт мактабида халқаро тоифадаги устозларимдан галаба қозониш сирларини ўрганаёпман. Келажақда жаҳон чемпиони бўлмоқчиман.

Бугун халқаро тоифадаги спорт устаси Севара Боймуродова қўл остида тарбияланаётган спортчимиз таҳсил олаётган шахмат бўйича ихтисослаштирилган Республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби замонавий жиҳозлар билан таъминланган, жамики қўлайликларга эга спорт маскани ҳисобланади. Юртбошимизнинг гоёяси ва ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби айни соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу спорт мактабига келган Халқаро шахмат федерацияси президенти К.Илюмжинов уни ўзига хос шахмат қошонасига менгзаб, мамлакатимизда шахматни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор унинг ҳайратига сабаб бўлгани ва бу ғамхўрлик тез фурсатда ўз мевасини беражагини тўқинланиб таъкидлаганди. Мафтуна сингари ёш чемпионларнинг мусобақаларда шохсупанинг юқори ўринларини банд этаётгани айни айтилган фикр амалда ўз тасдиғини топаяётганидан дарақдир.

Дилмурод Дўстбеков,
«Ma'rifat» мухбири

Iqtidorli yosh sportchi

Рустам Қосимжонов бошлаб берган чемпионлик эстафетасини кўплаб ёш шахматчилар давом эттириб, мамлакатимиз довуруғини дунёга дoston қилмоқда. Уларнинг орасида қиз болаларнинг ҳам борлиги қувонарли ҳолдир. Дарҳақиқат, бугун болалар спорти ривожига, айниқса, қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам машғул бўлиши, спорт тўғралакларидида машғулотларни узлуксиз ҳамда сифатли олиб бориш учун барча зарурий шароитлар муҳайё. Интилишу ҳаракатни ўзига ҳамроҳ этган изланувчан йигит-қизлар сафи кун сайин ортиб, кўпгина халқаро спорт мусобақаларида давлатимиз байроғи банд кўтарилмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 256-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Мафтуна Бобомуродова ҳам шахматнинг сеҳрли жозибасини ҳис қилиб, улғаяётган умидли спортчи қизлардан бири. Олти ёшидан буён мазкур спорт билан шугулланиб келаётган Мафтуна бугун кўпгина муваффақиятларни кўлга киритмоқда.

Мафтунанинг шахматга меҳр кўйишида унинг биринчи устози FIDE устаси Жасур Маждидовнинг алоҳиди бориши. Боиси, дастлабки таълим жараёнлари айни мураббий қўл остида кечди. Кейинчалик FIDE устаси Хулкар Тоҳиржоновдан шахмат сирларини ўргана бошлаган қаҳрамонимизнинг эришган ютуқлари нafaқат ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади, шу билан бирга устозлари кўнглида унинг моҳир спортчи бўлиб етишишига умид уйғотди.


Ўтган вақт мобайнида Мафтуна Бобомуродова шахар биринчилигида пешқадамлик қилибгина қолмай, икки маротаба 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлишга ҳам улғурди. Унинг муваффақиятли одимлари давомийлашиб, мусобақадан мусобақага маҳорати ҳам орта борди. 2014 йилининг 20—29 июнь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 8 ёшгача бўлган қизлар ўртасида кечган баҳсларда шахматнинг блиц йўналишида қитъа чемпионлигини қўлга киритди. Шунингдек, ўтган

Голиблар аниқланди



Bolalar sporti

Пойтахтимизда шахмат бўйича "Тошкент ёзи — 2016" турнири якунланди.




Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан мамлакатимизда шахматни янада оммалаштириш, ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва маҳоратини ошириш, болаларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказиш маqsадида ташkil etilgan mazkur an'anaviy turnirda yuz ellikka yaqin yosh sportchi ikki guruhda bahslashdi.

Мусобақанинг "А" гуруҳида тўққиз имкониятдан 7,5 очко тўплаган Мақсад Сапатўллаган

ев биринчи ўринни эгаллади. Тўққиз партияда етти очкодан жамғарган Руслан Салаев ва Иномжон Шоймуродов иккинчи ва учинчи ўринлардан жой олди.

"Б" гуруҳида мағлубиятсиз дона суриб, етти ғалаба ва икки дуранг натижа билан 8 очко тўплаган Мамаражаб Мамарасулов олтин медалга сазовор бўлди. Сирожиддин Маҳаматов 7,5 очко билан кумуш, Камронбек Қорабоев 7 очко билан бронза медални қўлга киритди.

ЎЗА суратлари.



Истеъдодли спортчилар маскани

Жиззах вилояти маданият ва спорт ишлари бoshқармасига қарашли гимнастикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида 620 га яқин ўғил-қиз спортнинг бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва акробатика турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Бу ерда спортчи ёшлар учун барча шароит яратилган. Мактаб тарбияланувчилари бoshқа спорт турлари қаторида спорт гимнастикаси ва бадий гимнастика бўйича нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келаётган.

ни машғулотларнинг юқори савияда ташкил этилаётгани ва малакали мураббийлар жалб қилинганидан далолат беради.

ЎЗА фотомухбири
Шерзод НАЗАРОВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИ
ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh муharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-724. Tirajli 35394.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotiбиyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:

Ilhom JO'RAYEV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

ЎЗА yakuni — 20.40 Topshirildi — 21.10

1 3 4 5 6